

Ушбу мақолани ёзар эканман ҳозирги кунда ҳақиқатни англаб ҳуррият сари чорлаётган ҳар бир ёш авлодни жаҳидлар ҳаракатига қиёсласак тўғри бўлади.

Уз вақтида Жаҳидлар бошдан ўтказган қийинчиликлар ва қаршиликларни ҳозир ҳам амалдаги ноқонуний тарзда ҳукуматни бошқариб келаётган тоталитар режим томонидан кузатиб бораёмиз.

Ҳуррият учун курашган ҳар бир жаҳидчига "халқ душмани" деган тамғани босган режим каби ҳозир ҳам Ўзбекистонда эркин фикрлай бошлаган, халқнинг дардини очиқ айта олганларнинг барчаси панжара ортига ташланиб, минг бор азобларга солинмоқда.

Тоталитар тизим секин фикрли ёшлардан кўра кўпроқ амрига сўзсиз бўйсунадиган манқуртларни афзал кўради. Буниси эса сир эмас.

Шу кунларда ҳукуматнинг алмашганини айтиб жар солаётган халқ билмайдими, бир вақтлар Чор Россияга ўрнига келган Шўролар аввалига катта ваъдалар бериб, ҳар бир зиёлини қатағон қилиш учун амалга келган ҳукуматдан нима кутиш мумкин. Уз халқининг истак хошига қарши чиқган, тузум эртага халқ учун хизмат қиладими? Ҳокимиятни бутунлай қўлга олгунга қадар берилаётган ёлғон ваъдалар, Каримовнинг шафқатсиз тузумида яшаб келган, сиёсий саводхонлиги даярли йўқ бўлган оддий халқни алдаш эмасми?

Шу кунларда сиз кузатаётган кўзбўямачиликлар, янги ҳукуматни ўзига ёқмаган амалдорлардан гўё халқ истаётгани каби қутулиш усули эмасми? Бу саволлар бераётганимда албатта "шукроний" лар ёғилиб келиб, ҳақоратларга кўмиб ташлаган ҳолда сен халқни революцияга чорляяпсан, қон тўкилишини истайсан дея, шу пайтгача оддий халқни кўрқитган усулларини қўллашади. Улар доимо қандай йўл билан бўлмасин, ҳар қандай эркин фикрни бўғиш ҳаракатидалар. Улар фирром ўйин тарафдорлари, агар шундай бўлмаса бирор бир нарсани танқид қилиш учун ўша нарса ҳақида етарли билимга эга бўлишлари керак эмас. Уша "шукроний" ларнинг биттаси бўлса ҳам бизнинг дастур ва мақсадларимиз билан танишганим, ёки ҳозирги кунда оддий халқ бошига тушган қийинчиликлар ҳақида ёзганим, лоақал шу ҳақда очиқ фикр билдирганим?



ҚАМАЛДАГИ САФДОШИМ

Уларга амалдаги тизимда яшаш анча яхши, чунки улар шу тизим пайтидан фойдаланиб, уларни улўғлаб ўз мақсадларига эришмоқда. Амалдаги тизим пропаганда каналлари орқали оддий халқни кўрқитиб, уларни соғлом муҳолиф фикрлардан узоқ тутишмоқда.

Шундай бўлса ҳам ҳалиям ҳаммаси бой берилмади. Биламиз, ҳозирги авлод ёшлар ичида биз каби фикрлайдиганлар, иккиланаётганлар бор. Шуларга юзланиб амин бўлиб айта оламан, ҳур фикрлашдан қайтманг, кўриб турган воқеалар олдида кўз юмманг. Муҳолиф фикрлаш бу диктаторлар ва тоталитар тизим айтгандек бузғунчи ғоя эмас.

Бунга оддий мисол оладиган бўлсак, сиз бирор марта бўлса ҳам ўзини муҳолиф санаган инсонни қўлига қурол олганини кўрдингизми, ёки халқ ичида нифоқ чиқариб қон тўкилишига ундаётган инсонни кўрдингизми. Йўқ, албатта. Аксинча, халқни онгсиз равишда ушлаб туришни истаётган тизимда шу нарсаларни гувоҳи бўлдингиз, дейлик буни исботини Андижон воқеаларида кўрдингиз. Хўш ўша пайтдаги бўлиб ўтган воқеаларда ҳукумат нима учун оддий халқни ўққа тутди, агар ўшанда улар айтаётгандек ҳодиса бўлган бўлса, айбдорларни очиқ судга тортмади, халқга шаффоф тарзда кўрсатмади. Бу каби саволларнинг чеки йўқ.

Сиз бирор воқеа ҳақидаги хулоса қилишингиздан аввал шу воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар билан суҳбатлашиб кўринг.

Юқорида айтганимдек биз танлаган йўл осон эмас, лекин бунда бизга халқни қўллаб қувватлаши керак бўлади. Бундан

аввал эса бизни асл мақсадларимиз ва истакларимиз ҳақида ҳақиқатни билишлари, ҳолис фикрлай олишлари керак бўлади. Бу йўлда зиёли ёшларнинг ўрни катта.

Зеро биз ёшлар ҳаракат қилмас эканмиз, биздан кейинги авлодга нима қолдириб кетаётганимиз ҳақида ўйлайлик. Бизнинг фарзандларимиз ҳам биз дуч келаётган муоммоларга дуч келишини истайсизми, уларни ватандан узоқда насиба қидирб юришларини истайсизми, уларни ҳам ижтимоий келиб чиқишлари туфайли орзуларидан маҳрум бўлишларини истайсизми, порахўрлик авжига чиқган тузумда фикрлаши, билими билан эмас чўнтакдаги пуллари билан баҳолининини истайсизми?!

Тўғри бу каби тўсиқлар кўп, бу каби камчиликларни тўғирлаш узоқ вақт ва машаққат талаб қилади. Бу йўлда биз ҳаракат қилсак, биздан кейинги ёшлар эркин фикрли, сиёсий билимли ва ҳаётда ўзлари истаган ҳаётни торттиқ қила оламиз. Бу йўлда бизлар каби ёшлар халқга ҳақиқатни кўрсата олсак, ноҳақликлар олдида бошни тик тутиб турсак кифоя.

Буни ўзига хос маънавий жанг деб атасак бўлади, лекин бу жангда биз билимимиз, ҳақиқатимиз билан курашаётган бўлсак, қарши томон эса зулм, жаҳолат ва бўхтон билан қуролланган. Бу тизим биз каби ёшларни тўхтатиш йўлида ҳеч нарсадан таб тортмадилар. Улар бизни кўрқитиши, алдашга уриниши, зиндонбанд қилиши мумкин, лекин улар бизнинг фикримиздан мақсадимиздан қайтара олмайди.

Жанг қурбонларсиз бўлмайдиганларидек ёнингиздеги сафдошингизни зулмкорлар қўлига тушиб қолганини кўрсангиз, саросимага тушманг, асло. Аксинча сизга шу сафдошингизни маъсулятлари ҳам юкланади, унинг қурбонликлари бекорга кетмаганини исботалшимиз керак.

Шу сатрларни ўқиётган ҳар бир ҳамфикрдошимга юзланиб айтадиган сўзим, мен ҳам сиз каби инсонман, ҳозирда бўлиб ўтган воқеаларга гувоҳ бўлганман. Шундай экан, сиз асло кўрқманг, сиз ёлғиз эмассиз, сизнинг фикрдошларингиз бор, билмаганимизни ўргатадиган устозимиз бор, бу йўлда ўзини қурбон қилган сафдошларимиз учун ҳам олға интилишимиз керак.

Абдуллоҳ Нусрат

Президентлик курсисини ким эгаллайди деган савол атрофидаги эҳтирослар кучайиб бормоқда.

Ислон Каримовнинг ўлиmidан ҳали икки ой ҳам ўтмай туриб, кўшни Республикада мамлакатнинг навбатдаги раҳбари курсиси учун ҳақиқий уруш бошланиб кетди. Низолашаётган кланлар тасаввур доирасидаги ва ҳатто ақлга сиғмайдиган ресурсларни ишга жалб қилмоқдалар.

Умуман олганда, ҳаммаси бизнинг аввалги мақолаларда Ўзбекистонлик мутахассис, сиёсатшунос Алишер Илхомов башорат қилганидек давом этмоқда. «Вести.кг» “фронт”даги сўнги янгиликлардан хабардор бўлиш учун яна бир бор унга мурожаат қилди.

-Ўзбекистонда, ниҳоят, мухолифат пайдо бўлди, - дейди Алишер Илхомов тахририят билан суҳбатда. – Ва унга Солиқ инспекцияси раҳбари Ботир Парпиев бош бўлди. Мухолифат шу кунларда вақтинча президентлик вазифасини бажарувчининг тадбиркорларни қўллаб қувватлаш борасидаги сиёсати эълон қилинишига ўз фикрини билдирди. Ва бу мамлакатда одатдагидек “мухолифат”га, турли навдаги таъсир гуруҳлари эътибор билан ўқийдиган вебсайт орқали, таънаю дашномлар ёғдиришди. Бу ерда қатор саволлар туғилади. Асосий савол эса – бундай тажовузкор кампания қаердан келиб чиқмоқда?

Суҳбатдошимизнинг фикрича, Ботир Парпиевнинг Рустам Иноятовнинг (Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг доимий раҳбари – мух.) қариндоши эканлиги, ва Мирзиёевга (Вақтинчалик президентлик вазифасини бажарувчи – мух.) нисбатан бироз олдин худди шу «uzmetronom.com» орқали ўхшаш танқид (Иноятов атрофидагилардан эканлиги тушунарли) янграгани ҳисобга олинадиган бўлса, вақтинчалик президентлик вазифасини бажарувчи ушбу танқидни эътиборсиз қолдирмаганлиги ва жавоб зарбасини тайёрлагани очик ойдин аниқлашади.

-Шунингдек, мамлакатдаги



Ўзбекистон “совуқ уруш”га ҳозирланмоқдами?

икки асосий шахс ўртасида яхши никобланмаган жанг юзага келаётгани ҳам аниқлашади. Фақатгина бир нарса ноаниқ, вақтинчалик президентлик вазифасини бажарувчининг махфий полиция бошлиғига ҳужумлари ортидаги бунчалик ўзига ишонч қаердан пайдо бўлди. Алишер Усмонов (Келиб чиқиши ўзбек бўлган Россиялик раҳбар ва тадбиркор, миллиардер – мух.) факторими? Ёки у ушбу ташкилотга ўринбосар ўларок ўзига содиқ бўлган кишини (марҳум Каримов қўллаган услуб) ўтиргизишни эплاديمи? Ҳар доимгидек, ҳар нарсани ўз ўрнига қўювчи вақтдан умид қиламиз ва можаронинг икки тарафи учун ҳам керакли бўлиб қолган «Узметроном» учун биз ҳам хурсанд бўламиз. Демакки тўлов қобилиятига эга бўлганлар растасига миқдорлар келди, - дейди Алишер Илхомов.

«Вести.кг» ўқувчилари руҳсати билан, улар эътиборига суҳбатдошимизнинг бир неча кун аввал билдирилган фикрларини ҳавола қиламиз.

“Шавкат Мирзиёев ўз партияси қурултойида қизиқ бир баёнот қилди: “Давлат органларининг халққа хизмат қилиш вақти келди, аксинча эмас”. Бу ердан эса ҳалигача давлат ташкилотлари (демак, Бош вазирнинг ўзи ҳам)

халққа хизмат қилмаган экан деган хулосага келамиз.

Кейин у яна ўз фикрини тасдиқлайди: “... ерлардаги ҳеч бир мутасадди раҳбар одамларнинг ташвиш ва муаммолари билан астойдил шуғулланмайди”. Олтинга тенг сўзлар, буларни ҳар бир жойдаги реклама панелларига осиб қўйиш керак. Бу инқилоб учун сигнал бўлиши мумкин (Юқоридагилар чарчаб кетишиди (муаллиф) эскича бошқаришдан...)

Асал ейишни давом этамиз: “Раҳбарлар доимо халқ ичида бўлишлари, шахсий қабулларни ташкил қилиб, муаммоларни жойида ҳал қилишлари керак”. Бу баёнот эса бироз мавҳум. Амалда раҳбарларнинг бундай халқ ичига чиқишлари, халқнинг ўзи ташкил қилиб ва ўзи ҳаражатларини қоплаши лозим бўлган қабуллар билан яқунлади. Баъзида уларнинг халқ ичига камроқ чиқишларини истайсан киши.

Шу ерда менинг ёдимга Ислон Каримовнинг бир неча йил аввал айтган гапи эсимга тушди: “Ниҳоят ҳукумат ходимларининг халққа юзланиб, унинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш вақти келди”. Бу ҳам жуда яхши сўзлар”, - дея ёзади Алишер Илхомов.

Владислав Шувалов
Русчадан ЎХХ тахририяти
таржимаси



корхоналар ХАМДА
О Ш Х О Н А Л А Р ,
Ч О Й Х О Н А Л А Р ,
Т Ў Й Х О Н А Л А Р ,
К А Ф Е Л А Р ,
РЕСТОРАНЛАР) турдаги
улгуржи истеъмолчилар"
деб ўзидан кўшиб, қарор
ва топшириқларни
салласини олиб кел деса
фақатгина калласини
эмас, унга кўшиб

Янги-янги қарорлар, амалда эса ҳеч қандай ўзгариш йўқ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10 октябр 2016 йилдаги 170-сонли топшириғига асосан ГИ "Узгоснефтегазинспекция" си ўзининг 17 октябр 2016 йилги Бош вазир ўринбосари Г.Ибрагимов томонидан тасдиқланган протоколнинг 18-бандига кўра, "Узтрансгаз" АК 19 октябр 2016 йилги 21/138-сонли факсограмма билан мурожаат қилиб, барча ҳудудлараро газ таъминоти унитар корхоналари директорлари ва вилоят газ таъминоти бошқармаси бошлиқларига ҳудудларда табиий газдан фойдаланиб келаётган ижтимоий аҳамиятига эга бўлмаган ва куз-қиш мавсуми даврида табиий газ етказиб берилиши кафолатланмаган барча, яъни пишган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар, оҳак ва гипс цехлари ҳамда бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни, улгуржи истеъмолчиларни жорий йилнинг 1 ноябр кунига қадар газ таъминотидан ўчирилишини таъминланишини сўраган.

Ушбу протокол ва факсограммада қолипчи нон ишлаб чиқарувчилар, нон тандирлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар бундан мустасно эканлиги таъкидланган. Аммо ҳудудий газ бошқармалари бошлиқлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ўз бошимчалик билан бузган ҳолда, газ таъминоти тўхтатилиши сўралган корхоналар қаторига қарор матнини ўзгартириб, "ҳудудингиздаги табиий газдан фойдаланиб келаётган ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган ва куз-қиш даврида газ етказиб бериш кафолатланмаган барча (ғишт ишлаб чиқариш корхоналари, оҳак ва гипс ишлаб чиқариш цехлари, бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи

танасини ҳам олиб келиш қабилда иш тутишмоқда.

Шунингдек, газ таъминоти ҳодимлари тадбиркорга "Сен Ўзбекистон Республикаси сиёсатига, қолаверса қонунга бўйин эгмай қарши чиқаяпсанми" деган гаплар билан дўқ-пўписа қилмоқда.

Вақтинчалик Ўзбекистон Республикаси президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг яқиндагина чиқарган тадбиркорлик фаолиятининг кафолатларини таъминлаш ва уларнинг иш фаолиятига аралашмаслик каби қарорларининг ижроси шуми?

Маълумотларга кўра Республикадаги барча иссиқхоналар газ тармоғидан маҳрум. Ваҳоланки минглаб гектар иссиқхоналар бевосита Шавкат Мирзиёевни буйруғи билан қурилиб, ишга тушурилган эди. Суюлтирилган газ ишлатай деса нархи 2350-2500 сўмгача кўтарилиб кетган. Солярка ва кўмир нархлари осмону фалакда. Ўтин билан узокқа кета олмайсан, ўтин ҳам қиммат.

Буларнинг натижасида нархлар кўтарилади, маҳсулот қиммат бўлгандан кейин юк яна оддий аҳолини бошига тушади.

Бир тарафдан халқимиз фаровонлиги учун дея қатор-қатор қарорлар қабул қилиниб, иккинчи тарафдан факсограмма ва протоколлар билан қонун бузарликлар давом этмоқда.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида шунда аҳвол.

Шавкат Мирзиёев гўёки янги-янги қарорлар киритиб, қандайдир қарорларни эса бекор қилмоқда, аммо барчаси фақатгина қоғозда қолмоқда халос, амалда эса ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

ЎХХ таҳририятига келган мактуб

Виртуал қабулхонага шикоятдан сўнг қамоқхона бошлиғи тергов қилинмоқда

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Сирдарё вилоятидаги 76 сон манзил-коллония бошлиғи Дилмурод Маматқулов устидан маҳқумга қийноққўлагани борасида ички суриштирув бошланган. Бош вазир қабулхонасига шикоят ёзган маҳқум Андрей Хваннинг онаси Людмила Хван "Озодлик" радиоси билан суҳбатда ўғлининг мунтазам калтакланиб келганини айтди.

Ўзбекистон Жазони Ижро этиш Бош Бошқармасидаги манбаниг айтишича, айти идора вакиллари Дилмурод Маматқуловга тушунтириш хати ёздиришган:

- Ўзбекистон Бош вазири виртуал қабулхонасига қотиллик боис 20 йилга ҳукм қилиниб, жазо ўтаётган Андрей Хваннинг онаси Людмила Хван тарафидан шикоят келиб тушди. Шикоятда Андрей Хван калтаклаб қовирғаси синдирилгани айtilган. Бу шикоят ГУИНга юборилда ва махсус комиссия 72 коллония бошлиғи Маматқулов устидан суриштирув бошланди, дейди манба.

"Озодлик" радиоси мухбири Сирдарё вилоятидаги 76 сон манзил-коллония бошлиғи Дилмурод Маматқуловнинг яқинларидан бири билан гаплашди. Исми айтилишини истамаган суҳбатдош Дилмурод Маматқулов "Емаган сомсаси учун пул тўлаётганини" иддао қилди:

- Маматқулов яқинда начальник бўлди. Андрей собиқ начальник Салоҳиддин Абдулҳакимов даврида калтакланди. Ҳозир у УВД га ишга ўтиб кетди. Маматқулов ГУОН инспекторларига бу ҳақда тушунтириш хати ёзиб берди. Калтаклашда иштирок этган қамоқхона нозирини Жамшид Абдусаатов устидан ҳам текширув бор, - дейди суҳбатдош.

Сирдарё вилоятидаги 76 сон манзил-коллония мулозимларидан бири "Озодлик" радиоси мухбирига вазиятни тушунтириб берди:

- Андрей Хван қотилликда айblаниб ўлимга ҳукм қилинган эди. Кейинчалик ҳукм 20 йиллик қамоқ жазосига алмаштирилди. Ҳозиргача Хван жазонинг 16 йилини ўтади. Қийноқ борасида шикоят бўлгани рост. Қовирғаси синганини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

билмайман, лекин Андрей Хван касалхонага ётқизилди. Ўзи шконкадан йиқилиб тушибди. Тиббий хулосада шунақа ёзилган. Кейин Салоҳиддин Маматқулов ўзи дори-дармон учун моддий ёрдам ҳам берди, - дейди суҳбатдош.

Суҳбатдошнинг иддаосича, Ўзбекистон Бош вазири виртуал қабулхонасига ёзилган шкоятдан кейин маҳкум Андрей Хванга колонияда яхши шароитлар яратилган:

- Хванни қўл телефони қайтраиб берилди. Навбатдан ташқари свидениега изн олди. Бошқа колонияга перевод қилиш учун ариза ёзди. Бу ариза ҳам кўриб чиқилмоқда, дейди мулозим.

Бош вазир қабулхонасига шкоят ёзган маҳкум Андрей Хваннинг онаси Людмила Хван "Озодлик" радиоси билан суҳбатда ўғлининг мунтазам калтакланиб келганини айтади:

- Шкоят ёзганимдан кейингина тинч қўйишди. У туғилган кунда овқат еб ўтирганида нозир Жамшид Абдусаатов уриб қовирғасини сиңдирган. Бу яққол кўриниб турган кийноқку. Ҳозир мени олдимга келиб шкоятингизни қайтариб олинг, деб қамокдаги ўғлимни шароитларини яхшилашди. Лекин мен барибир шкоятдан воз кечмайман дейди, 2000 йилда қотиллик айби билан қамалган Андрей Хваннинг онаси.

Ўзбекистон қамокхоналари маҳкумларга қарши шафқатсиз кийноқ усулларини қўллаши билан ном чиқарган.

2002 йилда мамлакат қамокхоналарини бориб кўрган БМТнинг Қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Тео ван Бовен Ўзбекистоннинг дастлабки тергов ҳибсхоналари ҳамда жазо муассасаларидан қийноқларнинг "муңтазам" қўлланишини айтган эди. Ўзбекистон ҳукумати БМТ маърузачисининг хулосасини рад этмаган, аммо унинг тавсияларини ҳам бажармай келади.

2003 йилда қабул қилинган "Қийноқларга қарши кураш миллий дастури" орадан бироз вақт ўтиб, унутилган.

2013 йил охиридан кучга кирган "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонун мазмунан қийноқларни тақиқлашга қаратилган. Аммо, тошкентлик инсон ҳуқуқлари химоячилари мазкур қонун амалдаги вазиятни яхши томонга ўзгартирмаганлигини таъкидлаб келишади.

ЎХХ хабарлар бўлими



СИЁСИЙ МАҲКУМ САМАНДАР ҚЎҚОНОВНИНГ ЖАЗО МУДДАТИ ЯНА 3 ЙИЛУ 5 КУНГА УЗАЙТИРИЛДИ

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар суди собиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Самандар Қўқоновнинг жазо муддатини яна 3 йилу 5 кунга узайтирди.

Суд ҳукми ҳақида Ўзбекистон Жазони Ижро этиш Бош Бошқармаси 21 октябрь куни Самандар Қўқоновнинг аёли Шоҳида Қўқоновага мактуб орқали маълум қилди.

Жазони Ижро этиш Бош Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қодиров имзоси билан битилган мактубда 72 яшар Самандар Қўқоновга жазо муддатининг узайтирилишига унинг қамокхона ички тартиб-қоидаларини "мунтазам" бузганлиги сабаб қилиб кўрсатилган.

"Турмуш ўртоғингиз С. Куанов жазо муддатини ўташ учун муассасага келган кунидан бошлаб муассаса ички кун тартиби, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ тушунтирилган бўлишига қарамадан жазо муддатини ўташ даврида муассасада ўрнатилган ички тартиб-қоидаларни мунтазам бузиб келгани учун 2016 йил 07 октябрь куни Навоий вилояти Зарафшон шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 221-моддаси 2 қисми "б" банди ва 60-моддаси билан 3 йил 5 кунга озодликдан маҳрум этилган," дейилади Шоҳида Қўқоновага ёзилган мактубда.

Ўзбекистон Олий кенгаши депутати, Чиноз нефтни қайта ишлаш корхонаси собиқ бошлиғи

Самандар Қўқоновга берилган сўнгги қамок жазоси 6 октябрь куни тугаган эди.

Аммо маҳкум ўғли Сардор Қўқоновнинг Озодликка маълум қилишича, Зарафшон шаҳар суди ҳукми, қонунга ҳилоф равишда, Самандар Қўқоновга тайинланган жазо муддати тугашидан бир кун ўтиб узайтирилган.

23 йил 4 ойдан буён қамокда қолаётган Самандар Қўқонов мустақил Ўзбекистон тарихида панжаралар ортида энг узоқ қолаётган сиёсий маҳкумдир.

Самандар Қўқонов 1993 йилнинг 2 июль куни давлатга қарашли катта миқдордаги мол-мулкни талон-тарожлик қилганлик айби билан ҳибсга олинган, МХХ ертўласида бир ярим йил сақланганидан сўнг, 20 йиллик қамокқа ҳукм этилган.

МХХ ертўласида ўтказган бир ярим йил қамок муддатидан чегирилмаганди.

Дастлабки қамок жазоси тугаш арафасида, 2014 йили Самандар Қўқоновга яна уч йил қўшиб берилган, кейин суд уни икки йилга туширганди.

Асли Жиззах вилоятининг Фориш туманидан бўлган Самандар Қўқонов 1989 йили Шавкат Мирзиёев (ҳозирда Ўзбекистон президенти вазифасини бажарувчи ва бош вазир) билан бир қақирқда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланган.

Уни яқиндан таниган маслақдошлари 80-йиллар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

охирида сиёсий майдонда фаол кўзга ташланган тадбиркор ва депутатнинг шахсан Ислом Каримов топшириғи билан қамокқа олингани ва шахсан Каримов топшириғи билан қамокда шунча вақт сақланганини таъкидлайдилар. Самандар Қўконов қамалганида 19 ёшда бўлган кенжа ўғли - Сардор бу йил 42 ёшга кирди.

Сардор Озодлик билан суҳбатда Жазони ижро этиш

Бош Бошқармасидан йўлланган мактубга муносабат билдираркан Ўзбекистонда янги президентнинг сайланаётгани отасининг яқин келажакда озод этилишига умид уйғотганини айтди.

Унга кўра, Жазони ижро этиш Бош Бошқармасидан келган мактуб сўнгида битилган охириги жумла айна умиднинг янада ошишига сабаб бўлган.

"Муассасада жазо муддатини ўтаётган барча маҳкумлар тенг ҳуқуққа эгаллигини, шунингдек,

жазони ижро этиш жойларида ички-гартиб қоида талабларини бажариб, муассаса томонидан ижобий тавсифланган тақдирда, унга нисбатан инсонпарварлик далолатномалари қўллаш, у жазо муддатини ўтаётган муассаса маъмурияти томонидан кўриб чиқилиши мумкинлигини маълум қиламиз," дея таъкидланади Жазони ижро этиш Бош Бошқармаси мактубида.

Манба: www.ozodlik.mobi

Роғун ГЭСи тўғонининг қурилиши бошланди

Тожикистон ҳукумати Вахш дарёсида Роғун ГЭСининг 335 метрлик тўғонини қуришга киришган. Тожикистон ҳукумати Роғун ГЭСининг биринчи иккита агрегатини 2019 йилгача қуриб битказишни режаламокда. ГЭСнинг 13 миллиард куб метр ҳажми сув омборини эса Душанбе ҳукумати Орол денгизи атрофида жойлашган давлатлар билан келишув бўйича белгиланган квота доирасида тўлдиришини билдирмокда.

29 октябрь кунини тўғон қурилишини бошлаш расмий маросимида Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон қатнашди.

Пойтахт Душанбадан 110 километр узоқликда жойлашган Роғун ГЭСи, жаноб Раҳмоннинг таъкидича, олти агрегатдан иборат, ишлаб чиқариш қуввати эса 3600 мегаватт электр энергияга эга минтақада энг йирик станция бўлади.

"Баландлиги 335 метр бўлган Роғун ГЭСи тўғони дунёдаги энг баланд тош-ер тўғони бўлиб, 3600 мегаватт (17 миллиард киловатт-соатдан зиёд) кучга эга гидроэлектростанция минтақадаги энг йирик электр манбаларидан бирига айланади", - деди Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон.

Жаноб Раҳмоннинг Вахш дарёси окимини ўзгартириш маросимида сўзлаган нутқи Тожикистон президенти маъмуриятининг расмий сайтида илк бор ўзбек тилида ҳам эълон қилинди.

Эмомали Раҳмон бу нутқида жумладан шундай дейди:

"Марказий Осиёнинг биродар халқларига мурожаат қилар эканман, тожик халқи узоқ асрлар давомида ўз қўшнилари билан тинчлик, хотиржамлик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик фазосида яшаб келганлигини таъкидлайман. Биз аждодларимизнинг бу эзгу

анъанасини давом эттирган ҳолда ўз қўшнилариимизни ҳеч қачон ва ҳеч қандай шароитда сувсиз қолдирмаслигимизни юксак масъулият билан айта оламан. Бугун биз минтақа мамлакатлари, жумладан, дўст ва биродар Ўзбекистон билан ўзаро фойдали йўналишлар, айниқса, сув, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда яхши қўшнилик муносабатларини йўлга қўйдик, ҳамда икки томонлама муносабатларнинг барча муҳим масалалари ўзаро тушуниш, халқларимиз манфаатлари йўлида ўз ечимини топишига ишончимиз комил", дейди Эмомали Раҳмон.

Италиянинг "Салини Импретжило" компанияси тендерда ғолиб чиқиб, гидроэлектростанция тўғони қурилиши ишларини бошлаб юборган.

Тожикистон ҳукумати сув омборининг ҳажми 13 миллиард куб метрга тенг Роғун ГЭСининг биринчи иккита агрегатини 2019 йилгача қуриб битказишни режаламокда.

"Роғун ГЭСи биринчи навбати, яъни унинг биринчи агрегати 2018 йилнинг охиригача, иккинчи агрегати 2019 йилнинг апрел ойигача ишга туширилиб, ишлаб чиқарилаётган электроэнергия мамлакат ягона энергетик тизимига узатилади. Яъни 2018 йилнинг декабрида гидроэлектростанция электроэнергия ишлаб чиқара бошлайди ва "Роғун" электри Тожикистоннинг ҳар бир оиласига узатилади", - деди Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон.

Ислом Каримов Роғун омборини сувга тўлдириш жараёнида дарёнинг қуйи минтақаларида жойлашган мамлакатлар сувсиз қолиши мумкинлиги борасида хавотир билдириб келган.

Ўзбекистон ҳукумати йиллардан

бери Тожикистондаги Вахш дарёсида йирик тўғон қурилишига кескин қаршилик кўрсатиб, Роғун ГЭСи лойиҳаси Амударё қуйи оқимида жойлашган ҳудудлар учун ҳам экологик, ҳам иқтисодий фалокат келтириб чиқаришини таъкидлаб келади.

Жумладан Ўзбекистоннинг марҳум президенти Ислом Каримов ҳаётлиги пайти қилган чиқишларида Роғун омборини сувга тўлдириш жараёнида дарёнинг қуйи минтақаларида жойлашган мамлакатлар аҳолиси сувсиз қолиши мумкинлиги борасида хавотир билдириб келган.

Тожикистон расмийлари эса Роғун ГЭСи қурилиши мамлакатни энергетик мустақиллигини таъминлаш учун зарурлигини урғулашади.

Бу иддаоларни муттасил рад этиб келаётган Тожикистон расмийлари эса Роғун ГЭСи қурилиши мамлакатни энергетик мустақиллигини таъминлаш учун зарурлигини урғулашади.

ГЭС омборидаги сувни эса Душанбе ҳукумати Орол денгизи атрофида жойлашган давлатлар билан келишув бўйича белгиланган квота доирасида тўлдиришини билдирмокда. Кузатувчилар

Ўзбекистон президенти Ислом Каримов вафотидан сўнг Тошкент ва Душанбе алоқаларида илиқлик кузатила бошлаганини айтишади.

Ўтган ой охирида Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон билан Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ўртасидаги учрашувда "сув-энергетика ва транспорт логистика соҳалари, шунингдек фуқароларнинг ўзаро борди-келдиси билан боғлиқ масалалар фаол ва конструктив ҳамкорлик талаб қиладиган масалалар" муҳокама қилинганди.

Манба: "Озодлик" радиоси



ҚОЧҚИНЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ УЙЛАРИДА “ҚОРА НИҚОБЛИЛАР” ТИНТУВ ЎТКАЗМОҚДА

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, шу кунларда экстремистик ташкилотларга аъзоликда гумон қилинаётган, сиёсий мухолифат аъзоси бўлган ва хориждан узоқ вақт қайтмаган айрим қочқинларнинг Ўзбекистондаги уйларида “қора ниқоблилар” тинтувлар ўтказмоқда. Аксар ҳолларда милиция, прокуратура ва МХХ ходимлари улар яқинларига қочқинларни Ўзбекистонга қайтариш талабини қўймоқда.

Ўзбекистоннинг турли минтақаларидан етиб келаётган бир-биридан мустақил маълумотларга кўра, айни кунларда сиёсий фаолияти учун мамлакатни тарк этганлар ва диний сабабларга кўра қидирувга берилган муҳожираддаги ўзбекистонликларнинг ватандаги уйларида тинтув ўтказилмоқда.

"Озодлик" радиосига Telegram тармоғи орқали исми сир қолиши шарти билан хабар юборган фарғоналикнинг ёзишича, шу кунларда Фарғона вилоятидаги “қора рўйхатдагилар” уйлари махсус сафарбар қилинган шахслар томонидан тинтув қилинмоқда.

“Ҳозир Фарғона вилояти қишлоқларидаги хонадонлар ҚАШҚАДАРЁ вилоятидан келтирилган гуруҳлар (улар орасида қишлоқ оқсоқоллари ҳам бор) томонидан фуқаро кийимида обдон тинтув қилинапти: "Ким яшайди бу уйда? Милтиқ борми? Чет элда кимингиз бор? Намоз ўқийсизми? Қайси масжидга борасиз?" каби саволлар берилаяпти. Ҳатто оғилхона, молхоналар текширмоқда.

Сандиқларни очиб кўришяпти.. Бу нима дегани? Қашқадарёда ҳам шунақа тинтув ўтказилмаптими?”, деб ёзди фарғоналик бу манба.

“Дадамни қамаб қўйишган”

Ўз уйларида айни шундай тинтувлар бўлаётганини "Озодлик" радиоси суҳбатлашган айрим муҳожирлар ҳам тасдиқлади.

Хусусан, Туркияда қочқинликда юрган тошкентлик Ботирхўжа Ўзбекистон милицияси ва МХХси ўзини “Сурияга одам жўнатганликда” айблаб, қидирувга берганини айтади.

Расмийларнинг бу иддаоларини рад қилган куни-кеча Ботирхўжа, Чинозда қолган оила аъзолари хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан олиб кетилганини кўшимча қилди:

- Намоз ўқирдим. Жумага чиққанман. Кетганимдан кейин “Сурияга урушга кетди, шунга даъват билан шуғулланаёпти”, деган гап бўлган. Мен даъват қилмаганман, маҳалла болаларини намозга чақирганман, холос. Олдинги йил ноябрларда телефон қилишди, қайтишимни сўрашди. Мен уйга боришдан кўрқиб, Туркига келдим. Уч кун олдин уйимизга Миллий хавфсизликдан келишиб, дадамни, онамни, укамни олиб кетишибди. “Сиз орқага қайтинг, қайтмасангиз уйдагиларингизга босим ўтказамиз!”, дейишди. Чиноз тумани Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ёрданчиси экан. Ўзбекистонда “ИШИДга одам жўнатаяпти”, деган айб қўйилибди менга. Онамни қўйворишибди, лекин дадам ичкарида экан. Укам “Ака қайтинг, бизни қўйишмаяпти”

депти, дейди Ботирхўжа.

Ўзбекистонда бошланган босим туфайли Россияда ўқиётган олийгоҳни ташлаб, Туркияга кетганини таъкидлаган Ботирхўжанинг айтишича, ўзи билан бирга Россияда ўқиган яна бир дўсти Ўзбекистонда айни жиноятда айбланмоқда ва 5 ойдан буён ҳибсда сақланмоқда.

“Маҳаллага шарманда бўлдик”

Россияда оиласи билан қочқинликда юрган Ҳавасбек Андижонда қолган ота-онасининг уйини қуролланган “қора ниқобли”лар босганини айтади:

- Эрталаб уйимизга 15т ача

камүфляж кийган одамлар бостириб келибди-да, бирор сабабсиз ота-онамнинг уйини тинтув қилибди. У уйдан мен 2001 йилда чиқиб кетганман. Ота-онамдан алоҳида 10 йил, Москвада яна 5 йил яшадим. Ота-онамни бориб безовта қилишган. Ҳеч нарса топиша олмабди, укамни қиммат телефонини олиб кетиб, текшириб қайтаришибди. “Сени деб бизларни тинтув қилди. Шарманда бўлдик”, деганига маҳаллада хижолат бўлишибди. Уйдагилар ҳеч нарса айтмайпти, охириги пайт айтишмаяпти. “Ҳаммаси зўр, ҳаммаси яхши!”, деб ўтиришаверади. Бошқалардан эшитиб қолаяпман, дейди Ҳавасбек.

У Андижон вилоятининг Избоскан туманида “қора рўйхат”да бўлган ҳамма қочқинлар уйларида тинтув бўлгани, улар яқинларига тазйиқлар бўлаётгани тўғрисида хабар топганини кўшимча қилди.

Бу суҳбатдош иддаосича, Андижон шахрининг “Ақромийлар” худуди саналган Боғишамол мавзесида ҳам қочқинлар уйларида тинтувлар ўтказилган.

Бундан олдинроқ "Озодлик" радиоси Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги аҳоли уйларида тинтув ўтказган “қора маскали”лар тўрт кишини ҳибсга олгани тўғрисида хабар берган эди.

Избоскан тумани ҳуқуқ-тартибот тизимида ишловчи манбага кўра, ҳибсга олинганлар диний-экстремистик ташкилотларга алоқадорликда гумон қилинмоқда.

Бундан уч ҳафтача аввал

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Норвегиядан бошпана топган адижонлик қочқинлардан бири, журналист Улуғбек Бакиров Facebookдаги саҳифасида онасининг уйига ҳам қора маскаликлар бостириб киргани ҳақида ёзган эди:

“Бугун, 9 октябрь, якшанба куни Ўзбекистон вақти билан эрталаб соат 9-9.30 ларда мени онам ва синглим яшайдиган Андижондаги уйимизни Тошкентдан келган орган текширувчилари ва қуролланган маскаликлар тинтув қилишган. Бу ҳақда онам билан телефон орқали гаплашганимда маълум бўлди. Нима қидиришган билмаймиз. Ҳеч нарса топишолмаган... Нафақадаги онамнинг соғлиги кескин ёмонлашган...”, деб ёзган эди Улуғбек Бакиров.

“Тинтувдан кейин онамнинг соғлиги ёмонлашди”

Бухоролик Абдусами Раҳмонов қарийб 7 йилдан буён қочқинликда яшайди.

Самандар Қўқоновга уч йил қўшимча қамоқ жазосининг белгиланиши, Ўзбекистонда сиёсий маҳкумларнинг озод қилиниши кутилаётгани ҳақидаги муждаларнинг беҳуда эканини намойиш қилди.

6 октябрь куни, роппа роса 23 йилу 4 ой қамоқда бўлиб барча жазо муддатларини ўтаган Самандар Қўқоновга, эртасигаёқ суд қарори билан тагин уч йилу 5 кун жазо қўшиб берилишини, фақат қабих ўзбек режими сийратининг ўзгармагани билангина изоҳлаш мумкин.

27 октябрь куни унинг озод этилгани ҳақидаги чакмоқ каби пайдо бўлган умид шу куннинг ўзидаёқ сўнган, унинг ҳамон Навои турмасида қолаётгани маълум бўлган эди.

Ислоҳ Каримовнинг шахсий душмани сифатида қамоқда сақланаётган сиёсий маҳкумнинг бошқа муассасага этап қилиш ҳаракатлари, унинг озод этилгани ҳақидаги гап сўзларнинг тарқалишига сабаб бўлганди.

«Ўзбекистон Жазони Ижро этиш Бош Бошқармаси Нельсон Мандела ўрнатган рекордни янгиламоқчи шекилли», дея ёзди журналист Сирожиддин Ислоҳ ўзининг Фейсбукдаги микроблогига.

Ўтган аср ўрталарида Жанубий Африка халқи мустақиллиги учун

Аввал Россия, кейин Чехиядан паноҳ топган бу муҳожир охири бир ҳафта ичида Бухородаги уйига икки мартаба текширувчилар келганини айтади:

- 26 октябрь куни пешингача уйга келишибди. Куролланган одамлар кириб, тинтув ўтказишибди. 15тача одам, МВДдан эканини айтишибди. “Абдусами Раҳмонов қаерда? Уни топиб беринглар”, деб кетишибди. Бугун саҳардан яна вилоят прокуратурасидан келишибди. Яна тинтувга. Яна қулфларни синдириб киришибди. Подвал, томларни текширишган. Қўшнилари кўрkitишган – бугунги сафар автоматсиз. “Абдусами керак бизга”, дейишибди. Мен Чехияда қочқинлик мақомини олганман, Карлов университетига дарс бераяман, Халқаро Амнистия ташкилоти аъзосиман. Улар “Абдусамини топиб бермасангизлар чаток бўлади, ахволингиз ёмон бўлади”, деб уйдагиларни кўрkitишибди. Қамоқда 6 йил ўтирган ногирон укам

Хумоюнжонга яна 3 йилу 10 кун қўшиб беришибди. Энг кўрқинчли томони – бу тинтувлардан кейин онам тура олмайдиган бўлиб қолибдилар, касал бўлиб ётиб қолибдилар, дейди Абдусами Раҳмонов.

Бу суҳбатдош тинтувга келганлар иккита Куръон китоби, мадрасада ўқиган укасининг ўқув дарсликлари ва ёзувлари, Куръон ёзилган аудиокассеталарни ҳамда араб тилидаги барча дафтар-брошюраларни мусодара қилиб кетишганини қўшимча қилди.

Жорий ойда Бош вазир ва муваққат президент Шавкат Мирзиёев таклифи билан Сенат амнистия тўғрисидаги қонунни қабул қилган эди. Аммо мазкур амнистия асосида диний-сиёсий айбловлар билан қамалганларнинг озод этилиш-этилмаслиги ёки қидирувда бўлганларнинг авф этилиш-этилмаслиги борасида ҳозирча йўқ.

ЎХХ хабарлар бўлими



Қўқоновга жазо муддатининг чўзилиши нимадан дарак?

курашган Нельсон Манделланинг 27 йил турмада ўтиргани маълум.

Ўзбекистон халқи мустақиллиги учун курашган демократ сиёсатчи Самандар Қўқоновнинг қарийб шунча муддат қамоқда қолиши ва айрим ўзбек фаоллари томонидан бу режимни қўллаб қувватлаш хитоблари бугуннинг ақлга сиғмас

манзараларидир.

Маҳкумнинг умр йўлдоши Шоҳида Қўқонова олган мактубда «Жазо муддатини ўташ даврида муассасада ўрнатилган ички тартиб-қоидаларни мунтазам бузиб келгани учун 2016 йил 07 октябрь куни Навоий вилояти Зарафшон шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 221-моддаси 2 қисми «б» банди ва 60-моддаси билан 3 йил 5 кун»га озодликдан маҳрум этилгани айтилади.

«Зулмнинг охири қаерда? Шу саволимга Ўзбекистондаги қонхўр режимни пуф-пуфлайдиганлар жавоб беришсин. Каримовнинг чорак асрлик президентлиги Самандар Қўқонов оиласининг бир қатра кўз ёшига арзимайди! Қўқоновнинг кенжа ўғли Сардор билан кўзимда ёш билан суҳбатлашдим. Аллоҳ бу оилага сабр беришсин. Йўқолсин ЗУЛМ, яшасин Хуррият!», дея ёзди Озодлик журналисти Сирожиддин Ислоҳ ўз микроблогига.

Ўзбекистон Олий кенгаши депутати, «Эрк» Демократик партияси аъзоси ва Чиноз нефтни қайта ишлаш қорхонаси собиқ бошлиғи бўлган Самандар Қўқонов бугунги кунда ҳамон қамоқда қолмоқда.

Қудрат Бобожон
Манба: Eltuz.com

Расмий ўзбек матбуотининг қолип иборалари ижтимоий тармоқларда масхара қилинмоқда

Facebook.Com ижтимоий тармоғида бир гуруҳ ўзбекистонликлар республика оммавий-ахборот воситаларида ишлатиладиган қолип ибораларни масхара қилишмоқда. Аслида 2016 йил 13 октябрь куни Sof.Uz сайтида эълон қилинган “Ўзбек ОАВсининг учкур иборалари” сарлавҳаси остида берилган мақола (<http://sof.uz/uz/news/show/2680>) шу куннинг ўзида муаллиф Шукуржон Исломов томонидан Facebook.Com тармоғига ҳам қўйилди. Мақола атрофидаги барча баҳсу-мунозаралар на шундан сўнг бошланиб кетди.

Ушбу материалда Шукуржон Исломов расмий ўзбек матбуотида ишлатилавериш, сийқаси чиққан қолип ибораларнинг баъзиларини келтирган. Жумладан, муаллиф “юртимизнинг қай бир гўшасига борманг...”, “мустақиллик шарофати билан...”, “биз ёшларга берилаётган имкониятлардан фойдаланиб...”, “...устувор йўналишларидан экани алоҳида

таъкидланди”, “байрам шукуҳи кезиб юрибди...” каби баландпарвоз иборалар рўйхатини келтирган.

Мақола Facebook.Com ижтимоий тармоғида қизгин мунозараларга сабаб бўлиб, фойдаланувчиларнинг кўплаб шарҳларини тўплаган. Уларда тамроқ фойдаланувчилари муаллиф Шукуржон Исломовнинг назаридан ва мақоласидан четда қолиб кетган қолиплардан талайини келтиришган. Масалан, Musan-nif Adham деган фойдаланувчи: “Юртбошимиз ташаббуслари билан...” қолиб кетибди-ку!”, - дея изоҳ қолдирган.

Мустақил журналист Вобомурод Абдулла ўз изоҳида: “Маънавий таҳдидлар, оммавий маданият хуружи, манкурт ва манфур кимсаларнинг кирдикорлари, мустақиллигимизни кўра олмайдиган ватангадолар, сўқирлар, тубанлар...” каби қолипларни эсга солган.

Қолган фойдаланувчилар эса “Эндиликда мазкур технология сабаб жахон бозорида

ракобатбардош булган, сифатли махсулот ишлаб чиқарила бошлади...”, “Ривожланишни янада чуқурлаштириб, такомиллаштирувчи бир қатор изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда..”, “Fusunkor go'shalar”, “Пировард натижада, минтакимизда биринчи булиб,” “Ilmiy marifiy anjuman bulib utti” ва бошқа штамп-ибораларни мисол тариқасида келтиришган.

Сўнгра эса мақоланинг Facebook.Com даги ўқувчилари мазкур ибораларни ўз материалларида қўллайдиган журналистларни танқид ва масхара қилинганлар. Хусусан, Вобомурод Абдулла бир изоҳида: “Мана шу маддоҳлар тўтидай сайравергач менда ШУКУҲ деган сўзга аллергия пайдо бўлди”, - деб ёзган. Davronbek Fayzulloev-ich Parmonov деган фойдаланувчи эса: “ТВ да mute ни босиб қўйиб ҳам нима дейилаётганини бемалол аниқлаб олсак бўлади =D ёд бўлиб кетган)))”, - дея изоҳ қолдирган.

ЎХХ хабарлар бўлими

МИКРОБЛАР

Стокгольмда ўзбек кинорежиссёри Мелис Абзалов жанозасига келиб камера нигоҳига тушган "Швециядаги ўзбеклар" мана бир неча кундирки ҳаловатини йўқотиб уларни тасвирга олган журналистга лавҳани "удалить килинг" деб ёлбормоқда.

Негалигини фақат тахмин қилишимиз мумкин.

Йиллардан бери минглаб ўзбеклар "сиёсий тазйиққа учрадим дея" энг ичида сиёсий статус олиб ҳорижда яшамоқда. Улар айна пайтда Ўзбекистон паспортини ҳам сақлаб қолиб Тошкентга бемалол бориб келиб юришади. Бир неча эмчак эмадиган бу "яхши бузоқлар" фош бўлишдан бир умр кўрқиб яшашади. Видеокамерадан ўлардек кўрқишади.

Худди микроблар нурдан кўрққани каби

Шухрат Бобо

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, АҚШ ўзбек расмийларини 23 йилдан буён панжара ортида қолаётган ва яқинда қамоқ муддати яна 3 йилга узайтирилган муҳолифатчи Самандар Қўқоновни муддатидан олдин озод қилишга чақирган. Бу ҳақда Reuters агентлиги юқори



АҚШ ўзбек расмийларини муҳолифатчи Самандар Қўқоновни озод қилишга чақирди

лавозимли америкалик дипломат сўзларига таянган ҳолда хабар тарқатган.

Шу кунда ёши 72 га етган собиқ депутат Самандар Қўқонов давлат мулкани талон-тарож қилганликда айбланиб, 1993 йил ёзида ҳибсга олинган ва МХХ ертўласида бир ярим йил сақланганидан сўнг 20 йилга озодликдан маҳрум этилган, 2014 йили унинг жазо муддати яна икки йилга узайтирилган.

Хуқуқ фаоллари Қўқоновни мустақил Ўзбекистон тарихида қамоқда энг узоқ вақт қолаётган сиёсий маҳкум, деб биладилар.

АҚШ Давлат котибининг

Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси Ниша Бисвал Кўшма Штатлар Самандар Қўқоновни озод қилишга чақирганини тасдиқлади.

Ўзбекистон Олий кенгаши депутати, Чиноз нефтни қайта ишлаш корхонаси собиқ бошлиғи Самандар Қўқоновга берилган сўнги қамоқ жазоси 6 октябрь куни тугаган эди. 7 октябрь куни Зарафшон шаҳар суди Қўқоновнинг жазо муддатини “қамоқхона ички тартибини бузди” деган айблов билан яна 3 йилу 5 кунга узайтирган.

ЎХХ хабарлар бўлими

"Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг мурожаатига қарши мурожаат. Мурожаат бундай бўлади.

Ички ОАВларимиз орқали жуда оз миқдорда таҳлилий мақолаларни қўйиб борилмоқда. Барчаси мутахассис хулосаси. Аммо бизнинг ўз хулосаларимиз ҳам бор. Бу биз учун муҳим. ("Хулоса ўзингиздан" деб тугалланадиган кўрсатувларимизга эҳтиёж юқори.)

Ҳар йилги октябр-ноябр

ТАҲЛИЛ:

1. Биринчи асосий сабаб, яъни асосий айбдор қилиб кўрсатилганлар вилоятлик чайқовчилар экан. Яъни бунга истеъмошчилар айбдор, дейилмоқда мурожаатда. Буни қарангки, университетда бизга иқтисод соҳаси профессорлари



"Ўзнефтмаҳсулот"нинг олди-қочди жавобини очиқчасига таҳлил қиламиз

ойларидаги сохта бензин тақчиллиги биз учун янгилик бўлмай қолди. Ҳар йил шу тақчилликдан сўнг бензин нархи кўтарилади. Монополиячи ташкилотларнинг нуфузи баландлигиданми улар томонидан белгиланган нархга ҳатто Монополияга қарши кураш қўмитаси ҳам эътироз билдирмайди. Фақат мен эътироз билдираман, шунинг учун ҳам мен ёмонман.

"Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси сўнги кунларда Тошкент шаҳрида автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаларида навбатлар кузатилаётгани юзасидан мурожаат билан чиқди, - дейилади мазкур хабарда.

Бу мурожаатни таҳлил қиламиз, энди. Вилоятлардаги автомобиллар учун ёнилғи тақчиллиги одатий ҳолга айландими? Нима сабабдан вилоятларга мендан бошқа ҳеч ким эътибор қилмаяпти? Қани масъул шахслар? Хусусан, Навоий вилоятига автомобиль ёнилғисини узлуксиз етказиб бериш қачондан (аниқ вақт керак) йўлга қўйилади?

(Энди "Ўзнефтмаҳсулот"нинг баҳоналарини кўриб чиқамиз)

...шаҳримизга вилоятлардан қатнаётган кўпчилик автомобиллар эгалари чайқовчилик ниятида турли йўллар билан керагидан ортиқча миқдорда автобензин олиб чиқиб кетишмоқда...

...аҳоли орасида АЁҚШларда автобензин камайиб кетиши ҳақидаги хабарнинг тарқатилаётгани кўрсатилган...

...айрим автомобиль эгалари ўз уйлари ёки гаражларида автобензинни захира қилиб қўйишга киришишган...

...автомобиллар сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги кўрсатилади...

"Мижоз доимо ҳақ", деб ўргатган. Шундай экан "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясида раҳбар ходимларни қайта аттестациядан ўтказиш керакка ўхшайди.

Эътиборимни торган яна бир муҳим жумла – "...шаҳримизга вилоятлардан қатнаётган кўпчилик автомобиллар эгалари чайқовчилик ниятида..." Энди давлат рақами 01 бўлмаган машиналар учун ёнилғи қўйиш шохобчалари томонидан лимит белгилаймизми? Ёки вилоятлик меҳмонлар АЁҚШга келса, уларга айбдор сифатида ёвқараш қилиш керакми?

Вилоятлик чайқовчи шофёрлар ўз вилоятига ёнилғи олиб кетишини биламиз. Улар шу бензинни халққа сотади. Буни ҳам биламиз. Нима сабабдан Халқ ёнилғини АЁҚШдан эмас, чайқовчидан қиммат нархда сотиб олади? Бунинг устига таркибига сув қўшилган бензинни? Бундан келиб чиқадики, вилоятларда АЁҚШлар барқарор ишламайди. АЁҚШда бензин бўлмаса, истеъмошчи бензинни қимдан олади? Қиммат нархда чайқовчидан олади. Буни кўрган АЁҚШ эгалари арзон нархда бензин сотгиси келадими? Улар ҳам бензинни қора бозорга чиқаради. Қарабсизки, ноқонуний тадбиркорлик авжида! Табиийки Тошкентга тез-тез қатнайдиган шофёрлар ҳам бу қора бозорга ўз "ҳисса"ларини қўшади. Менда савол туғилади: қонуний бозорни яқсон қилган қоразорни ким тартибга соляпти?

"Ўзнефтмаҳсулот" фақат Тошкентга ёнилғи етказиб беришга ихтисослашганми? Нега вилоятлардаги ёнилғи тақчиллиги ҳақида эслаб ҳам ўтирмади? Хурматимиз шу ергачамиди? Масъул ходимлар аввало узор сўраб

муаммога кенгроқ ёндашишлари лозим! Ёки Ўзбекистон фақат Тошкент шаҳридан иборат деб ўйлайдиларми?

2. Миш-мишлар тарқалиши октябр-ноябр ойларидаги ёнилғи нархининг оширилишига ҳам сабабчи бўляптими? Бу миш-мишлардан ким фойда кўришига қараб, миш-миш муаллифлари кимлини тахмин қилса бўлади, фикримча.

3. Миш-миш бўлса, захира ҳам бўлади. Бир сабабни 2 марта келтиришга ҳожат йўқ, таҳлилга арзимайди.

4. Автомобиллар сони йилдан йилга ортиб бормоқда, аммо тепасига "Метан", "Пропан" деб ёзиб қўйилган шохобчалар ҳам ортяптику! Ўзбекистонда газлаштирилган ва газлаштирилмаган автомобиллар сони ва умумий миқдорга нисбатан улушини ким аниқлаб бера олади менга? Боз устига биз замон билан ҳамнафас яшашни даъво қилаётган эканмиз, нега йилнинг шу вақтларида ҳар йилги сценарий қайтарилаверади? "Ўзнефтмаҳсулот" эса мурожаатдан нарига ўтгани сезилмайди ва барибир нархлар сунъий оширилади?

Доим шундай. Муаммони бартараф этишга аниқ режа топилмаса, "боллада айб йўқ", деб айбни ё гунг-кар кишига ёки бўлмаса вафот этган одамга юклаймиз...

Юқоридаги барча муаммоларнинг бош сабаби - мутасаддиларимиз жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунга амал қилмаётганликларида. Марҳамат қилиб, қонунга мувофиқ бизга ҳисоб беришсин!

Манба: sof.uz



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: 'ОДАМ УРМАГАНМАН'

*Паҳлавон Содик
Би-би-си, Лондон*

2000 йилнинг январида ҳукуматнинг йил якунларига бағишланган йиғилиши ҳар доимгидек, Вазирлар Маҳкамаси биносига эмас, балки Президент девонининг мажлислар залида ўтказилди. Бир йил аввал худди шундай йиғилиш ўтадиган кун ҳукумат уйида портлашлар юз берган, расмийларга кўра, Президентга суиқасд уюштирилганди. Эҳтимол, худди шу манзарага тўғри келиши учун ҳам бошқа бинода ўтказилгандир йиғилиш. Бу ёғи бизга қоронғу.

Мажлислар зали шинам, айна пайтда кичкиналигидан биз журналистлар ҳатто мулозимларнинг юзи қизарганигача кўриб турардик.

Каримовнинг кайфияти йўқми, вазирлар ва ҳокимларнинг бир бошдан пўстагини қокди. Ҳатто ўзининг энг ишонган маслаҳатчиларидан Вячеслав Гольшевга ҳам танбех берди. Аммо сўз навбати Бош вазир ўринбосари Рустам Азимовга келганида, Каримовнинг юзи бирдан яшнаб кетди, мажлислар зали ҳам ёришиб кетгандек туюлди. "Яхшиям, ораларингда Азимов бор экан. Ҳукуматда ишлайдиган битта одам шу. Билмадим, агар Азимов бўлмаса, республикада аҳвол нима бўлар экан", дея сўзни Рустам Азимовга берди ва нотикнинг маърузаси тугагач, уни яна оғзидан бол томиб мақтади. Шунда ёнимда ўтирган кекса журналист Вилор Ниязметов секин мен томонга эгилиб, "Рустам тамом бўлди", деди

русчалаб. Вилор ака ўз вақтида депутат бўлган, Каримов билан яқиндан ишлаган, Ўзбекистоннинг "сиёсий ошхонаси"ни яхши биладиган одам эди. "Мен нега унақа деб ўйлайсиз?" деб сўрадим. "Ислом аканинг феълини яхши биладан, - дея давом этди у пичирлаб. Рустамни бўриларнинг олдига гўшт ташлагандек ташлади. Энди уни ғажиб ташлашади. Агар омон чиқса, келажаги бор. Бўлмаса, битди..." деди Вилор ака тагдор қилиб. Ҳатто эссиз, дея Азимовга астойдил ачингандек, калласини сарак-сарак қилиб ҳам қўйди. Гап орасида Каримовнинг ўзи ҳам биз ўтирган томонга қараб, "ана Ниязметовнинг тажрибаси катта, яхши билади, тўғрими жаноб Ниязметов?", дея лукма ташлаб қўйди.

Рустам Азимов Вилор ака айтган "бўрилар"нинг ҳужумидан омон чиқдими, чиқмадими, бу ҳақда эҳтимол, ҳали ҳам ҳулоса чиқаришга эртадир, аммо мажлисда йиллар ўтиб, бутун бу ҳужумлар-у, "гилам остидаги" курашлар ёки сарой ўйинларидан омон чиқадиغان бир одам бор эди. У ҳам бўлса, Шавкат Миромонович...

Мен бу йиғинда Шавкат Мирзиёевни узоқроқдан кўрдим. Кўзга ташланиб тургани учун эмас. Йўқ. Мирзиёев жуссаси кичик, қолаверса, у пайтлар ўрта бўғин амалдорлардан, мавкёв жиҳатдан ҳам кўзга ташланадиган одам эмасди. Мен уни узоқдан таниб олдим. Танишишимиз эса, ҳукуматнинг бу мажлисидан бир ярим йилча аввал, Жиззахдан юз берганди...

1998 йилнинг кеч кузида Жиззахдан бир-бирдан хавотирли хабарлар кела бошлади. Улардан икkitаси бевосита вилоят ҳокимининг номи билан боғлиқ, ҳоким мактаб директори ва фермерни шахсан дўшпослагани ҳақида эди. Хабарда дўшпосланганларнинг жароҳатлангани ва шифохонага тушиб чиққани айтилганди. Аммо хабар битта манбадан, уни текшириш ва тасдиқлаш керак эди. Мен шахсан ҳокимнинг одам уришига ишонмаганимдан ва хабарнинг манбаси ҳам заифлигидан аввалига Жиззахга боришга икkitландим. Аммо сўнгида барибир бориб, хабарни текширишга аҳд қилдим. Ҳеч курса, қишлоқдаги одамларнинг муаммоларини ўрганиб келаман, деган фикрда Жиззахга йўл олдим. Мавзу нозик бўлгани учун Жиззахдаги дўшларимга хабар бермаган, ими-жимидан бориб қайтаман, деб фикр қилгандим.

Ноябрнинг охири, совуқ тушган, кунлар қисқариб қолганди. Менинг кўлимда дўшпослангани айтилган форишлик мактаб директорининг тахминий манзилидан бўлақ ҳеч нарса йўқ эди. Форишга етгунимча қош қорайди. Йўлда биз ўтирган машина бузилиб, бошқа йўловчи машинани тутишга тўғри келди. Бу машина ҳайдовчиси аёл киши эди. Менимча, Форишда уни кўпчилик танирди. Менинг ҳамроҳларим у билан тоғдан-боғдан, улоқдан-туёқдан гаплашиб кетишди. Мен ҳокимдан сўз очмоқчи бўлиб, бир-икки оғиз жуфтладим, аммо ўзим ва сафардан мақсадимни фош қилишдан кўрққаним учун индамай кўяқолдим. Машина алмаштирганимни бир ҳисобда, "конспирация" учун яхши бўлди, деб ўйладим. Фориш марказидан унча узоқ бўлмаган бир ерда машинада тушиб, қир ён бағирлаб, айтилган қишлоқни топиб бордим. Қишлоқ кичкина, унда ўқитувчи ҳам кўп эмас экан. Сўраб-сўраб, ҳокимдан калтак егани айтилган ўқитувчининг уйини топиб бордим. Уйда на девор, на дарвоза бор эди. Ҳовлининг ўртасида бир аёл билан қизалоқ ўчоққа ўт ёқиш билан овора эди. Узоқдан салом бериб, ўзимни таништирдим ва домла билан гаплашмоқчи эканимни айтдим. Уйнинг хўжайини уйда йўқ эди, уйга кириб турунг, дейишди. Мен хонадонда эркак

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

киши йўқлигидан ҳижолат қилиб, кўчада турақоламан, дедим. Орадан 15 дақиқа ҳам ўтмади, ўрта ёшлардаги зиёлинамо бир киши ўзи қатори ҳамроҳи билан эшик олдида тўхтади. "Келинг меҳмон", - деди мен томонга қараб. Мен саломлашгач, ўзимни таништирдим ва нима учун келганимни ҳам юмшоқроқ бир оҳангда айтдим. Бирдан у одамнинг юзидаги ифода ўзгарди ва "бўлмаган гап" деди. "Сизга нотўғри етказишибди...". Аммо кўзимга қарамасди. Кўзини олиб қочганида ғира-ширада бўлса ҳам, ё кўзи ёки кўзининг атрофи қизаргандек кўринди менга. Орага жимлик чўкди. Мен бу ҳақда хабар қилиш учун келмаганим, фақат хабарни текшираётганимни айтиб, суҳбатдошни яна гапиртиришга ҳаракат қилдим. Аммо фойдаси йўқ эди. Ўша пайт уй эгасининг мени манзират учун чойга таклиф қиладиган ҳафсаласи ҳам қолмаганини сездим. Лекин ёнидаги киши "меҳмон бўлинг" дегандек қилди. Мен кеч кириб қолгани, Тошкентга қайтишим кераклигини айтиб, узр сўрадим. Хайрлашаркан, хавотирга тушиб қолган ўқитувчини тинчлантиришга ҳаракат қилдим. "Мен келганим учун сизни безовта қилишса, айтинг", деб телефон рақамимни қолдирмоқчи бўлдим. Аммо уй эгаси ўзининг олдида ҳатто телефон рақамимни ёзиб беришимни ҳам истамаётгани кўриниб турар, тезроқ кетишимни кутарди. Изимга қайтдим...

Йўл-йўлакай, ўтин, тезак ортиб бораётган одамлар билан суҳбатлашдим. Газ, сув муаммолари ҳақида гапиришди. Ёзиб олдим. Фориш марказига келганимда, йўл бўйидаги, чойхонами, кичикроқ ошхонада одамлар билан яна айни муаммолар ҳақида гаплашдик. Бу ердагилар анча дадилроқ эди. Гап орасида ҳокимдан калтак егани айтилган ўқитувчи ва фермер ҳақида ҳам сўрадим. Биз ҳам эшитдик, дейишди, аммо аниқ исм-шарифи ва манзилини ҳеч ким билмасди. Мен Тошкентдалигимда жазолик журналист дўстларим ёки ҳуқуқ фаоллари билан боғлансам, эҳтимол, ишим бироз енгиллашарди. Аммо уларнинг телефонлари эшитилади ва ҳокимнинг одамлари билса, ҳалақит беришлари мумкин, деган андишада бир ўзим киришгандим. Устига, сафар бир кунлик ва эртаси куни муҳим тадбир учун

Тошкентга етиб боришим керак эди. Яна йўловчи машинага ўтириб, аввалига Жиззах шаҳрига йўл олдим.

Шаҳар автобекатида етиб келиб, Тошкентга кетаётган йўловчи машиналардан бирига ўтирган эдимки, қўл телефоним жиринглади. Телефонда менинг жазолик дўстим, вилоят телевидениесида раис ўринбосари бўлиб ишлаётган курсдошимнинг овози янгради. "Ҳа жўра, бизга айтмасдан келиб-кетадиган бўлсанми Жиззахга?" деди дўстим мендан гина қилиб. Мен хизмат сафари билан шошилиш келганим, шаҳарга кирмай қайтаётганимни айтиб, узр сўрадим. Дўстим "биламин, ҳаммасидан хабаримиз бор, сен қайтишга шошмай тур, кўришамиз", деди. Мен хайрон қолдим. Тошкентдан туриб бу ҳақда ҳеч ким билан хатто телефонда ҳам гаплашмаган, Форишга бориб-қайтгунча ортимдан биров кузатганини ҳам сезмагандим. У пайт ҳали мобил телефонлари ҳам кенг тарқалмаган, бугунгидек, одамнинг қаердалигини билиб олиш унчалик осонмас эди. Аммо англашилгани-менинг ҳар бир қадамимни кузатишган, керакли идоралар сафардан хабар топган эди. Мен дўстимнинг ниманинг ҳаракатида эканини чамалаган ҳолда, "дўстим, мен хизмат сафари билан келдим, чойни бошқа пайт ичамиз, бу сафар кўришолмайман", дедим. У бўлса, тўғри мавзуга ўтди. "Менга қара жўра, - деди чапани оҳангда. Сенлар айтасан-ку, ҳамма томоннинг фикрини эшитамиз, деб. Ҳоким урди, деганларни эшитган бўлсанг, энди ҳокимнинг ўзини ҳам эшит-да". Дўстим мени жон жойимдан ушлаганди. Иккинчи томоннинг фикрини эшитиш таклифи менга маъқул эди. Ҳатто хабар тасдиқланмаган бўлса ҳам, мен ҳокимнинг ўзидан бу ҳақда сўраб олишим мумкин эди. "Шавкат ака сени кабинетда кутиб ўтирибдилар, биз 10 дақиқада етиб борамиз" деди дўстим ва телефонни қўйди. Орадан 10 дақиқа ҳам ўтмай, у хизмат машинасида дарвишларга ўхшаб узун соч қўйган бир киши билан етиб келди. Кейин билсам, бу одам дўстимнинг бошлиғи, Жиззах ТВ сининг раҳбари, ёзувчи Туроб Мақсуд экан. Биз Туроб ака билан яқиндан танишишга ҳам улгурмай, бир зумда вилоят ҳокимияти биносига етиб бордик. Бу пайт соат кечки 10 ларга яқинлашиб қолган, бинода 2-3 кишидан бошқа

одам йўқ эди. Бизга ҳокимнинг ёрдамчиси пешвоз чиқди ва ҳокимнинг кабинетига таклиф қилди. Энди кириб ўтиргандик, эшикдан жуссаси кичиккина, калта қора пальто кийган, оёғида ё киши туфли ёки этик кийган ўрта ёшлардаги ҳоким кириб келди. У менга худди тўғри даладан келаётгандек туюлди. "Келинг, хуш келибсиз Жиззахга, ўтиринг", деди Мирзиёев. Мен "рахмат, хуш келдимми, хуш келмадимми, аммо келганимни ҳеч кимга айтганим йўқ эди", - дедим, қаердан билақолдиларинг, дегандек. "Хабарим бор, - деди Мирзиёев. Сизни эшитаман". Мен ҳам тўғри мақсадга ўтдим. Ортиқ Форишга борганимни, одамлар билан учрашганимни яшириб ўтиришдан маъни йўқ эди. "Пахта кампанияси маҳали бир ўқитувчи ва яна бир фермерни урганингиз ҳақида маълумот бор. Шуни текшираёпмиз", - дедим. "Хўш, бориб гаплашибсиз, тасдиқландими?" деб сўради ҳоким. Мен "тасдиқланмади, аммо одамлар кўрқитилгандек туюлди менга", - дедим умумийроқ қилиб. "Ҳеч ким кўрқитмаган. Мен ҳеч кимни дўппосламаганман аслида. Бу гапларнинг ҳаммаси иғво", - деди Мирзиёев. Унинг оҳанги анча қатъийлашганди. "Унда бу гаплар қаердан чиқади? Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламайди", - дедим мен ҳам. "Сиз Жиззахни билмайсиз ука, - дея ёзғирган оҳангда сўзини давом эттирди Шавкат Миромонович. Бу гапларнинг ортида Жиззахнинг олдинги ҳокими турибди. Ҳаммасини ўшанинг одамлари тарқатган". Мен "нима учун бунақа гапларни тарқатсин, ҳокимликдан кетган бўлса", - дедим ўзимни гўлликка солиб. "Ҳамма гап шунда-да, - дея тушунтира кетди у, ўзи кетган бўлса ҳам, одамлари ишляпти, ҳамма ерда қулоқлари бор, уларнинг ҳам ишдан кетиб қолишини истамайди. Манфаатдор. Мен бўлсам, ҳаммадан иш талаб қиляпман. Ёқмайди, албатта. Чунки аввалги раҳбарнинг даврида ишламай, тишлаб ўрганиб қолган ҳаммаси", - деди у.

Шундан сўнг Жиззахнинг ўзига хос шароитлари, жумладан, вилоят азал-азалдан дотацияда экани, уни давлатга фойда келтирадиган, ҳеч курса, ўз-ўзини таъминлайдиган минтақага айлантириш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

кераклиги, чўл худудида пахта етиштиришнинг машаққатлари, ишчи кучи, меҳнат заҳираларининг етишмаслиги ҳақида сўзлади. Мен мактаб ўқувчиларининг чопиқ, пахта теримига жалб этилиши ҳақида ҳам сўрадим. У бунинг рад этди. "Яқинда бошқа вилоятлардан ҳашарчиларга ҳам ҳожат қолмайди. Қишлоқ хўжалик техникасини қайта тиклапмиз", - деди. Мен яна мақсадга қайтиб, "ўқитувчи ё фермерни урмаган бўлсангиз, қўл остингиздаги одамлардан биронтасини урган чиқарсиз", дедим. У "ҳеч қачон, ҳеч кимни урмаганман", деди қатъий оҳангда.

"Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳаётимда бировни урмаганман". Мен Жиззахга келишдан олдин Мирзиёев ҳақида бироз маълумот тўплашга ҳаракат қилган, шу орада унинг, адашмасам, Бокс Федерациясининг аъзоси эканини аниқладим. "Унда Бокс Федерациясида нима қилиб юрибсиз?" дедим. Мирзиёев кулди ва "нима, боксни яхши кўрса, албатта бировни уради дегани бўладими?" деди. "Ким сизга характеристика бера олади?" деб сўрадим. "Ким берсин, Жиззахда хоҳлаган одамнинг билан бориб гаплашишингиз мумкин, - деди у ва шу заҳотиёқ, хоҳласангиз, мактабда менга рус тилидан дарс берган ўқитувчим билан гаплашинг", - деди. Ҳаёлига келган фикрдан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетгандек туюлди менга.

Мен майли, деб, адашмасам, исм-шарифидан рус ёки татар миллатига мансублиги англашилган ўқитувчининг телефон рақамини дафтарчамга ёзиб олдим. Телефон қилиш ниятим йўқлигини ўша ондаёқ англадим. Чунки албаттаки, сенга телефон бўлади, деб олдиндан огоҳлантириб қўйиларди. Бечора нафақахўр ўқитувчи, ҳоким ўқувчисини мақтамай, нима қилсин. Эринмай, ёзиб олишимнинг сабаби, ҳали бу мавзунинг ўрганиш ниятидан воз кечмаганимни кўрсатиб қўйиш эди. Шу билан урган-урмаган мавзусига уч нукта қўйиб, мавзунинг ҳокимият ва маҳаллий гуруҳларга бурдим. Ўша пайт Ўзбекистоннинг амалда иккинчи раҳбари ҳисобланган Бош вазир ўринбосари Исмоил Жўрабеков янги ишдан олинган. Республикадаги кадрлар, жумладан, вилоятларнинг раҳбарлари орасида Жўрабековнинг одамлари кўп, деб ишониларди. Мен Мирзиёевдан "сиз кимнинг одамисиз, Жўрабековнингми, Каримовнингми?" деб сўрадим. У бўлса, "вилоят ҳокимини ким тайинлайди?" дея саволимга савол билан жавоб қайтарди. "Расман Президент", - дедим мен. "Президент бўлса, демак, мени ҳам Президент тайинлаган", деди у. Аммо табиийки, кланлар, ҳокимият ичидаги гуруҳлар ҳақида гапиришни истамади. Суҳбатимиз икки соатдан кўпроқ давом этди ва тўғриси, Мирзиёев менга сиёсий амбицияси бор, юксакларга кўз тиккан одамдек таассурот

қолдирмади. Қайтага, ҳокимлик лавозимидан мамнун, бу лавозимни йўқотиб қўймаслик учун астойдил тиришаётган одамдек кўринди. Эҳтимол, адашгандирман. Эҳтимол, Мирзиёев сиёсий амбицияларини яхшилаб яширган, шунинг учун ҳам ҳокимиятда яшаб қолгандир. Эҳтимол, жиззахлик ҳуқуқ фаоллари ва мустақил журналистлар айтганидек, фақат сиёсий интилишлари эмас, балки бу интилишлар йўлида тўғаноқ бўлиши мумкин бўлган бошқа нарсаларни ҳам усталик билан яширишга муваффақ бўлгандир. Мен унинг одам ургани ҳақидаги хабарларни кейин ҳам текширишда давом этдим. Бу билан маҳаллий фаоллар ҳам шуғулланишди.

Аммо биз "Мирзиёев мени дўппослади" дея даъво қилган одамни топмадик. Орадан кўп ўтмай, Мирзиёев Самарқандга ҳоким этиб тайинланди ва Самарқанддан бунга ўхшаш хабарлар олганимиз йўқ. Аммо 2003 йилда, Мирзиёев Бош вазир этиб тайинланганидан кейин ҳокимларнинг қўл остидагилар ва фермерларни дўппослаши бутун мамлакат бўйлаб эпидемия сингари ёйилди. Менда бунинг Мирзиёев санкциялаган, дейишга асос бўладиган далил йўқ.

Аммо бу каби тажриба на Бош вазир ва на Президентда эътироз уйғотмагани ҳам рост. Ҳозирда Шавкат Мирзиёевнинг ўзи ҳам Бош вазир ва ҳам амалда Президент экан, бундай тажриба давом этмайди, деб фақат умид қилиш мумкин, холос.

Манба: bbc.com/uzbek

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига ёзган аризам бўйича кеча Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан кўнғироқ қилишиб, суҳбатга чақиришди.

Бугун бордим. Мени вазирнинг спорт ишлари бўйича биринчи ўринбосари Мурод Алиев (собик футболчи) қабул қилди. Вазирликка аризамнинг қисқача мазмуни юборилгани боис ундаги ёзганларимни, айниқса, қўйган конкрет талабларимни қайтадан санаб беришимга тўғри келди.

Тахминан бир соат давом этган суҳбат чоғида Мурод Алиев футболдаги муаммолардан яхши хабари борлигини билдириб, аризамда кўрсатилган

муаммолар ва уларни ечиш учун берган таклифларим ўринли эканлигини таъкидлади.

Суҳбатимиз сўнгида Мурод Алиев аризамдаги талаб ва таклифлар бўйича бошқа идоралар, жумладан, Ўзбекистон футбол федерацияси, Профessiонал футбол лигаси ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда амалий чоралар кўрилишини ҳамда менга расмий жавоб ёзилишини маълум қилди.

Ва, ниҳоят, чақиришди...

Энди, ваъда қилинган амалий чораларни ва расмий жавобни кутиб қоламан...



Бобомурод АБДУЛЛА
02.11.2016
Манба: [facebook.com](https://www.facebook.com)

ЎЗБЕКНИНГ МАНДЕЛАСИ...

Бир неча дақиқа аввал Самандар Қўқоновнинг кизи, Умида опа, билан гаплашдим. Бутун вужудимни титратган воқеани сўзлаб берди.

Бундан ўн йилча муқаддам кексайиб бораётган ота дийдорига тўйиш умидида Самандар Қўқонов билан учрашувга борган фарзандлари ундан президент номига кечирим номаси ёзишни сўраб оғиз очишади.

Шунда Самандар Қўқонов икки жумлада аниқ бир жавобни беради: Агар менинг ёнимга учрашувга келишдан чарчаган бўлсаларинг, майли, келманг! Аммо мен ИККИ ДУНЁДА КЕЧИРИМ СЎРАМАЙМАН!

Мана бу ҳақ йўлдан қайтмаган, золим ўнгида тиз чўкмаган **ҲАҚИҚИЙ ЎЗБЕКНИНГ** жавоби!

Бу сўзлар тарих зарваракларига ёзилишига ишонаман.

Сирожиддин Ислон
Манба: facebook.com

Насрулло Сайид: Мирзиёевнинг қадами – уйимизда тинтувдан бошланди...

Мен Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда курмоқчи бўлаётган “Янги Жамият” (бир гуруҳ ялтоқлар оғзидан кўпик оқизиб ҳали кўрмасдан мақтаётган жамият) ИАК режимдан ҳеч бўлмаганда адолатпарварлиги, дўст билан душманни аниқ фарқлай билишлиги, бироз очиқлиги, халқчилиги билан фарқлироқ бўлишини жуда жуда истардим.

Аммо куни кеча мен 10 йил олдин чиқиб кетган Бухородаги уйимизда ўтказилган ТИНТУВдан асабларим роса қақшади.

10 йилдан бери болаларим миршабларга муттасил “тушинтириш хати” ёзиб беришарди, бу нарсага кўникиб ҳам кетишганди.

Чунки ҳаммасида бир маъно: “Дадам ҳали тирик, фалон адресда (Канадада), яхши кунлар келишини кутиб яшайпти...”

Ш. Мирзиёевни қадами уйимизда ТИНТУВ дан бошланди, сира ишонгим келмайди...

Насрулло Сайид
Манба: facebook.com

Бош вазир бўлгим келяпти. Виртуал қабулхона очиб қўяману, аҳолидан мурожаатларни қабул қилавераман. Бош вазирликнинг бир яхши тарафи бор - мурожаатлардаги муаммони сен ҳал қилишинг шарт эмас (умуман олганда муаммони ҳал қилиш ҳам шарт эмас). Бечора талаба ўқиш пулини тўлашга



Дунёда бош вазирлар кўп, лекин мендакиси ягона!

кредит ололмаётими? Эгаси йўқ бирор давлат банкига буйруқ берасан - талабанинг хоҳиши бир кунда бажо (бажо бўлганини халққа билдирасан, бўлмагани бўлмай, халқ барибир билмай қолаверсин).

Бечора аёлнинг тоmidан чакки ўтпятими? Ҳокимиятга юбориладиган битта буйруқ билан иш ҳал - аёлнинг тилидан бениҳоя бахтиёр, бош вазирдан чексиз миннатдор экани ҳақида бол томади (қолган бечораларнинг томи кута турсин).

Бечора тадбиркор автосалондан пули тўланган автомобилни ололмаётими? Бундан осон иш йўқ сен учун! Автосаноат бўйича ёрдамчинга айтасан, бир йил берилмаган мошин бир соатда чиқариб берилади (кимдир энди яна бир ой кўпроқ кутади).

Мурожаати кўриб чиқилган, масаласи ижобий ҳал бўлган ҳамма бечоралар ҳаётдан хурсанд! "Бизнинг ҳолимизга қизиқадиган ҳам бор экану!", "оламда бош вазирлар кўп, лекин бунақаси ягона!" деб сенга раҳматлар айтади.

Мендек бир ҳаёлпарастга яна нима керак, айтгин ўзинг? Шу халқнинг раҳмати, шу қоракўзларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, хурсандлигидан ортиқ яна нима керак бир оддий бош вазирга?!

Ҳар қандай демократик давлатда бўлгани каби, сенинг ҳам данғаса ёрдамчиларинг бўлади. Ёки ёрдамчиларингни ёрдамчилари дангасалик қилади. Ечим оддий, бошқа йўл йўқ - уларни қаттиқ жазолайсан!

Бечора аёл тоmidан чакки ўтаётгани ҳақида иккинчи марта мурожаат қилиятими? Қайси тумандан экан шу аёл? Ҳокими том ямалди деб айтганди-ку! Алдоқчи ҳокимга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинсин!

Бечора ишчи уйи исимаётганидан нолияптими? Пойтахтда, унинг қоқ марказида-я! Давай, отопленияни бошлиғини ишдан оларинг! Ҳокимининг курсисини ҳам бир яхшилаб қимирлатиб қўйларинг!

Қайси аҳмоқ мана бу бечора ишсизнинг мурожаатини сохтага чиқарди? Узинг бир марта телефон

қилсанг ўлиб қолармидинг? Ишдан бўшат ўша аҳмоқ ходимингни, ўрнига бирор аҳмоқмасини топ!

Кўрпасанми, бош вазирлик шунақа осон. Сен бир кўприк — одамлар сенга мурожаатларни юбораверади, сен уларни керакли ёрдамчиларингга қайта юбораверасан. Миллионлаб муаммоларни шикоят тушганида битталаб ҳал қилаверасан.

"Рейс" манзилдан керакли натижа билан қайтмаса, данғаса ва алдоқчи раҳбарлар ўрнига бошқасини қўясан. Ҳоким ва раҳбар бўлман деб, жонидан тўйгандан кўпи борми ҳозир.

Қайси бир ақлли бошлар "тизим" деган сўз топиб олган. Коммунал соҳада шикоят кўпми, демак шу тизимда муаммо бор дейди. Тадбиркор тинмай банкдан нолияптими, демак банк соҳасида тизим ишламаяпти, дейди.

Нима ўзи у тизим? Мен бунақа нарсаларни тушунмайман. Тушунтириб овора бўлма, вақтим йўқ. Уша тизимларни тузатишни, қуришни бошладим ҳам дейлик. Қачон тузатиб, қачон қуриб бўлман? Туянинг думи ерга тегиб, қизил қор ёғганидами?

Менга ишонавер, виртуал қабулхона - муаммоларнинг энг зўр ечими! Ҳеч қандай тизим-пизим шарт эмас. Шикоятлар микдори абитуриентлар сони каби кундан-кун ўсиб бораверсин, шунга монанд раҳматлар ҳам кўп бўлади.

Узинг яна бир марта айтгин - бир оддий бош вазирга шу бечора халқнинг раҳматидан ортиқ яна қандай мукофот бор? Раҳматларга кўмилган бундай бош вазирнинг йўли равон, парвози бардавом бўлади-ку!

Шунинг учун бош вазир бўлгим келяпти. Бир виртуал қабулхонам бўлса, одамлардан шикоятларни қабул қилаверсам, шикоятлар тўғамаса, менга тинмай раҳмат айтишса...

Қизиқ, нега шу вақтгача ҳеч кимнинг ақли шунга етмади экан-а?

Ўқтам Орзуманд
Ватан
Манба: bbc.com/uzbek

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Эй жўра, гапинг ўхшамайди, ахир, боксчи “ютқизиш ниятида” эмас, балки ютаман деган умидда ўртага тушган. Ютқизяпти, аммо ҳали умидини узганича йўқ. Кейин нимага у фақат “жанг қилади”, уруш жабҳасида эмас-ку, “жанг уюштиради” – бир ўзи-ку, бу ишга яна нечта боксчини уюштирган бўляпти? “Урди”, “муштлади”, “туширди”. “солди” (масалан, кутилмаган “зарба-а!”нинг ўрнига “со-ол!”, “у-ур!” футболда “те-еп!”) каби синонимлари тилимизда кўп-ку.) Нуқул “зарба” билан “жанг” қиладилар бу чулчит тилида. Ҳимоя қилмадилар, балки “ҳимояни амалга оширадилар”. Бир кишига “зарба”га нима бало бор, ўзимизда “тепки” деган сўз турибди-ку, десам, э-э, энди бунақа деб бўлмайди-да, деди у ишонч билан. Нимага бўлмас экан, бошдан шундай ишлатиб келганимизда жуда бўлар эди-да! Ҳозир “жарима тўпини теппи”, примитив туюлади-да, “жарима тўпини амалга оширди”, деймиз. Завқингиз ҳам келади: “Боксёр кўп зарба қабул қилаётган бўлса-да, икки оёғи ёрдамида тик туришга эришяпти”. Куласиз ҳам, қизиқчилик: “Жанг (боксда) бошқача суратда ривожланиши мумкин”, “Шунда оёқларида туриб зарбаларни давом эттиряпти”, “Босим уюштиришга ҳаракат қиялпти”. Қизиғ-а: “У ҳужумни ташкил этишга уринди” – бир боксчи ўзи билан ташкил қилади! “Тана қисмига йўлланадиган зарба ҳам ўз самарасини бериши мумкин” – бунақа гапларга гап топиб бериш ҳам кийин.

Ўн йиллардан ошиб кетди, русча “доброе утро” “добрый день”, “добрый ночи”, усмонли туркчадан “ийи сабахлар”, “ийи гунлар”, “ийи гежалер”, “ийи акшамлар”, “ийи уйкулар”, (“ийи” – эгу, эгулик; турчада тилак билдиришнинг “хайрли...” муқобили ҳам кенг қўлланади) ёзма тилимиздан “хайрли тонг”, “хайрли кун”, “хайрли тун” тарзида хусусан ТВнинг кино ва таржима сериаллари туфайли болалаб, ёзма тилимиздан жой олиб бўлди. Усмонли туркий бизга тушунарли, чунки туби бир тил, лекин сўз қўллашдаги тафовутларни бефарқ таржимонларимиз фарқлаб ўтирмайдилар. Энди бу ясамалик оғзаки тилимизга ва ҳатто шеваларга ҳам ўтиб кетаётир.

Чет истилоҳларни она тилимизга киришига меъёрида йўл қўйиб



Аҳмад Аъзам: Она тилим – жону дилим - 2

бериш билан уларни ўрганишни аралаштирмаслик керак. Лекин, масала шундаки, чет истилоҳни, ўз онгингизда айни луғавий маъно ифодаси – миллий сўз бўлмаса, қандай англайсиз, ўрганишда нимага суянасиз, хорижий истилоҳни нимага қиёсан тушунасиз? Англаган онг – тафаккурнинг сийрати, бу сўз. Миллий Сўз чет тилни ўрганишда замин, шу боисдан ҳам она тилимизни қанча теран билсак, чет тилни шунча пухта ўзлаштирамиз. Бу оддий аксиома. Мана ўйланг, масалан, ўзи асли ўзбек бўлатуриб, болалигидан русча боғчага қатнаб, русча мактабда ўқиб ва, табиийки, кейинги ҳаёти давомида европача ҳаёт (бу ҳам бир гибрид тушунча, таъсири жиҳатидан кўпроқ саёз русча) муҳитида яшаган одамларнинг тили ҳаминқадар, фикрлаш тарзлари на у, на бу бўлиб қолади. Тил заминдан оёғи узилгандан кейин тафаккур таркиби ҳам ўзгаради, бузилади. Бунга, масалан, бадий адабиётимиз ҳам бир мисол. Ўзи ўзбек бўлатуриб бошқа тилда ёзган истеъодларнинг асарлари ўзбек заминида унча илдиз ота олмайди, ҳатто уларни таржима қилганда ҳам ташқаридан қараш, бадий тафаккур бегоналиги аён сезилиб қолади. Чет тилни ўртадаги бошқа тил орқали ўрганишда шуурда шу ҳол юз беради.

Тилимиздаги асл сўзлар маъноси, оҳанги билан тушунча, кечинма, ҳаракат. нарса, ашё, манзара, ҳолатни аниқ кўз олдимишга келтиради, фикрни теранлаштиради. Бошқа тил, бошқа маданиятдаги одамни тўла англамаганимиз каби ўзимиздаги нарса ва ҳодисаларга уларнинг атамаларини қўлласак, ақлимиз ҳам шундай ётсираб

туради, тушуниб турганимиз билан сўзнинг ички маъно ифодалари шуурга бегоналигича қолади.

Миллий истилоҳларни излаб топиш, янгиларининг қандай илдиз, аффикс, суффикс, префикслардан ясалишини тилчиларимизга қўйиб берайлик, бу иш уларсиз битмайди ҳам. Бизнинг фикрларимиз ундаш, холос. Миллий тилнинг тасарруфда келаётган сўзларидан сўз ясаш, буни билган тилчиларимиз учун тинқани қуритадиган оғир, кенг кўламли, лекин қилиб бўлмайдиган иш эмас. Худди шундай, шеваларимиздан сўзлар олишнинг меҳнати бор, менингча. Яъни улар адабий тилнинг меъёр, қодалари ва орфография шартларига мослаштириб истеъмолга киритилиши лозим, бу ҳам мутахассислар юмуши. Фақат тайсалламаслик лозим. “Ўқувчи”, “ёзувчи” каби нисбатан “ёш” ўнлаб истилоҳлар илк истеъмолга киритилганда булар ҳам ғалати туюлган бўлса керак: “адиб”, “нависанда”, “талаба”, “толиб” каби ўрганган сўзларимиз турганда буларга на ҳожат, деб. Лекин ҳозир муомалада табиий бўлиб кетди, арабий “адиб”, “талаба”га қараганда кенгрок кўламда истифода этилади. Шеваларимизда эса адабий тилдан четда қолаётган бошқа муқобиллари ҳам бор: “ёзарман”, “ўқирман”. Негадир, шу “+ман” қўшимчали сўзлар адабий тилда жуда сийрак, бу суффикс имкониятларидан янги сўз ясашда фойдаланмаймиз. Аҳоли тилида эса кенг қўлланади: “Бу сотарман, у оларман бўпти. Бу оларман, қиз тегарман”, Мана, “Зоминнинг тил қомуси”да шунақа “-ман” қўшимчаси билан ясалган, адабий тилга кирмаган йигирмадан ортиқ сўз келтирилади. Яна бир мисол “+гилик”, “+гулик” каби қўшимчалар билан ясаладиган “боргулик”, “кетгулик”, “келгулик”, “ўтгулик” (“ўтгилик”) адабий тилда жуда сийрак, ахён-ахёнда, бу ҳам бадий асарларда қўлланиб қолади. Истамбул кўчаларида энгил уловлар кўчада қатор териб сотувга қўйилган, ҳаммасининг олд ойнасида “сатилик” деган ёзув. Демак, сотилади, тушунарли, лекин бизга ўхшаб “сотилади” деб китобий эмас, нимадир туб туркий, бизда унинг айнан шундай лўнда муқобили бори-йўқми деб роса ўйлаганман. Яқинда “Қашқадарё халқ сўзлари”ни варақлаб, айниятини топиб олдим: “сотқилик!” Ўзимизнинг сўз! Ёнимизда турган!

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Халқ бемалол қўллайди. Биз эса русча “продажа”дан олиб, мас., “уй сотилади” (“дом продается”), “сотиладиган уй” (“дом на продажу”) деб бирикмани сўлжайтирганмиз. “Баликлар тозаловчилик вазифасини бажаради” — бу не жумла эканини баҳолашни ўзингиз “амалга оширинг”!

Бунақа ҳолатларда, майли, луғат титкиламайлик, ўзимизга кулоқ солайлик: сўзлашув – жонли авом тилимиз минг кўргуликка дуч келаётган бўлса-да, хали ҳам бой, асл сўзларимизнинг маъноси теран, қўлами кенг.

Ўзимиз ҳар куни тасарруф қиладиган таниш сўзларнинг жуда кўп нотаниш маъноларини топиб, хайратга тушаман. Кундалик истеъмолда бисёр сўзлар қўллаймиз, кўпинча унинг келиб чиқишига эътибор бермаймиз. Мана, «боқиш», «бокмок» сўзини олинг, ўндан ортиқ маъноси бор. Ҳазрат бобомиз “Муҳокаматул – луғатайн”да “йиғламок”нинг ўн тўққизта синонимини келтиради. Проф. Тўра Нафасов ўз тадқиқотида “қора” сўзининг ўндан ошиқ маъноси ва етмишдан ортиқ маъно товланишини мисол қиладди. Гапим ҳавойи бўлиб қолмаслиги учун шу парчани кўчирма қилай. Ўқинг, сизга ҳам қизиқ:

“1. Пишган гўштнинг ёғсиз қисми*. Гўштнинг қорасини ҳамма яхши кўради. 2. Жонли мавжудотлар тўдаси.* Қорада кўрсам, кўнглим тўк. 3. Улоқни чавандозлар тўдасидан олиб чиқиб маълум бир масофадаги белгига олиб бориб ташлаш.* Қорани олдим. Қорани опчиқди. 4. Қорамол.* Беш-ўнта қорам бор. 5. Эр.* Мени қораси йўқ аёл деманг. 6. Эга.* Ҳамманинг қораси бўлсин.”

Энди яна қаранг:

Қора бермок – пайдо бўлмок.* “Бирдан отаси қора берди. Қора босмок – оғир хастгаланмок. Қорага бормок – каттарок ёшга етмок.* Бир қорага бориб қолибди. Қорага етмок – бирон мақсад, мартаба, обрўга эришмок. Қора йўл – юриш қийин, созланмаган (йўл). Қора қиш – ёгин-сочин (қор)ли, каттиқ совуқ пайт.* Қора қишда мол боқиш ҳазилми? Қора овқат – гўштсиз пиширилган (овқат). Қора пиёда – улов (эшак. от) ёки транспорт (енгил ё юк машина) си бўлмаган.* Қора пиёдаман. Қандай бораман қора қишда? Қора хуптон (хуфтон) – қоронғи тушиб, атроф қоп-қоронғи бўлган вақт.*

Қора хуптонда танимадик. Нарса-қора – бисот, бойлик, уй анжомлари ва моллар. * Нарса-қораси кўп, тўй қилса бўлади.

Ва шевашунос олим “қора” сўзи иштирокида ясалган яна етмиш битта истилоҳни луғавий маъноси билан бирма-бир кўрсатади!

Бир истилоҳнинг қўлами шундай кенг ва теран! Ўзингиз Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирлининг “Зоминнинг тил комуси” китобини варақлаб кўринг, адабий тилда ишлатилмайдиган ана шундай сўз, мақол, маталларнинг юзлабига дус келасиз. Шеваларимизда бойликларимиз кўмилиб, устидан шўро тупроғи тортиб қўйилган. Биз эса сўз ахтарамиз, ўз истилоҳларимиз жўн, примитив, бугунги кун терминологияси тўғри келмайди, тилимизда чет атамалар муқобили йўқ, деб, ўзимизни таназзулга ростлаймиз.

Излаш, изланиш керак. Сўз ҳам тирик, тил дарёси оқимида нафас олиб яшайди, таъбир жоиз бўлса, ўрчийди ҳам. Биз эса ўз сўзларимизни жонсиз қиялпимиз ҳамда уларнинг устига кўп қушанда қўйиб юборяпмиз.

Бугуни кунда гўё соф ўзбекча сўзлардан тузилган бирикмаларларнинг сунъийлиги, бир сўз ифода қиладиган тушунчани тўрт-беш сўз билан ифодалашга ўтиб кетаётганимизга ажабланасиз. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” қирқдан ортиқ йўналишда парвозларни амалга оширади”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” истиқбол сари дадил қадам ташламокда”, “Бундай уйғунлик ҳамма ўсимликлар томонидан амалга оширилавермайди” – сиртдан ўзбекчага ўхшаган мазкур жумлаларни тилчи олимларимиз бир лексема қоидаларига солиб текширсалар, нима бўляпти ўзи деб ташвишга тушиб қоладилар.

Сўзга эътиборсизлик, бефарқликдан у ўлиши ҳам, аниқроғи бошқа сўз унинг ўрнини эгаллаб, ўлдириши ҳам мумкин. Мана, ҳаммамиз “ахлат”ни оғизга оладиган ва бунинг нақадар бемаънилигини эътибор қилмайдиган бўлиб кетдик: “Ахлат ташлама! Ахлат мошин келди.. Ахлат челақни олиб тушаман”. Миллий ахлоқу одобимиз тагида покизалик ётади. Ахлат эса – бу нажосат, инсоннинг экскременти. Маъносини билган одам шу сўзни ёзишга ҳам ийманади. Ахир, уйимиздан чиққан сабзавоту мева пўчоғи, овқат сарқити, супуриндини шундай деяпмиз!

Фариштали келинлардан тортиб, нуроний тақволи буваларгача. Жонли, авом тилида ҳам, ОАВ ёзма нутқида ҳам эътиборсиз “ахлат” деб қўллайверамиз. Ҳолбуки, тилимизда асл маъносини берадиган “чиқит”, “чиқинди” каби беш-олтита истилоҳ беэга ётибди. Аммо буларнинг устидан русча “мусор”дан кўчирма ўгирилган “ахлат” босиб қолди. Қизиг-эй, “тезак”, “тезаклади” турганда капгару чумчуқдан каркидону филгача – ҳаммаси “ахлат ташлайдиган ё сочадиган” бўлиб кетди. Дарвоқе. ТВга раҳмат, яқиндан бери ора-сира “чиқит”ни қўллайдиган бўлди.

Бунақа бесўнақай, русчадан ҳайдашовур ўгириб олинган сўз ва мантиғи бетайин иборалар умумтилимизда симга тизилган очофат чуғурчикдек қатор-қатор. Юқорида айтганим, спорт шарҳларининг шу жиҳатига бир зехн солинг, абракадабра гаплардан эсингиз оғиб кетади. Лекин шу рус-инглиз-немис-француз-лотин лаҳжадарини солиб (спортнинг истилоҳ-атамалари ҳам бор-ку) ўзбек бўтқасини “қайнатишни бемалол амалга ошириб” ётибдилар, “жараён қойилмақом ташкил қилинган”. Ҳамма жойда ҳам таржима ишларида бир гуруҳгина одам бор, улар эса ўзлари билган бир туркум сўз ва иборалар билан чекланиб қолганлар. Лексикон деган нарса жуда қашшоқ! Дейлик, шу “хужум уюштирди”, “нападал” таржимасида ўрнига қараб, “ташланди”, “босди”, “даф қилди”, “қувлади” “изига тушди”, “дорида”... Масалан битта дарранда ўзи қанақасига хужум уюштиради? Билмадим, бунақа ёзиш, гапиришни энди тузатиш қийин-ов, лекин шу ҳолида қолдириш ҳам она тилимизга нисбатан онқўрлик!

Ўтириб олиб тилимизда бугун истеъмолда бўлаётган сўзларни бир тафтиш қилиб, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш, яъни тилимизни тозалашимиз керак. Чунки чиқитга тўлиб боряпти, чиқит асл истилоҳларни босиб кетяпти.

Она тилимизга муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Тилимиз хароб аҳволга тушиб боряпти, уни қайта жонлантириш учун ҳаялламай иш бошлаш керак.

Ўзим унча чуқур билмайдиган мавзу устида беш-олти ойдан бери ўтириб, анча ёзиб енгил торганимдан иккилана бошладим: тилимиз аҳволи ҳақиқатан ҳам

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

шундай таҳликалими ё таҳлика меникими? Чунки ўйлаганим сари гирдобга ютилиб кетаётгандекман, тилимизни асраш борасидаги муаммолар ҳам ниҳоятда чуқурлашиб, сира кечиктириб бўлмайдиган доли зарбдек. Бошқа мамлакатларда ўз миллий тиллари аҳволи қандай экан, уларда ҳам ўз тилига қайғуриш борми-йўқми ё иллатлар кўрққанимдан кўзимга шода-шода кўшалок кўриняптими? Рус тилининг Россияда қандай улуғлангани ва бу жаҳоний тилнинг бугунги аҳволи ҳақида унча-мунча биламан: жуда куйиниб ёзишларига қараганда, биздагидек, глобаллашув экспанциясига учраган. Бўлмаса, дунёни лол қилган доҳиёна асарлар яратилган ноёб ақиқ тил! У ҳам худди биздагидек чет истилоҳлар, чет тамойиллар босқинида инграб ётибди.

Бу борада, масалан, французлар ҳар жиҳатдан ибратли. Умуман ривожланган давлатларда ўз миллий тилларини асраб-авайлаш, янги имкониятларини очиш, тилни жамият ҳаётида муносиб ўринга кўтариш, мамлакат худуди ва ташқариларда тасарруфининг меъёрларини белгилаб қўйиш қонуний йўлга қўйилган. Бунда асосий урғу миллат тилига берилади. Қонун масаласида бизнинг ҳам нолишимиз инсофдан эмас. Давлат тили ҳақидаги қонуниimiz бизга бир дунё имкониятлар очиб беради. Гап унга қандай амал қилишда, яъни ўзимизда. Худди шунинг учун ҳам, масалан, французларга эргашгулик. Энг аввало, ҳар бир француз ўз тилини миллий бойлик, француз руҳияти ифодаси деб ўрганган ва бундан ифтихор қилади. тилни бузиб қўллашни ор деб билади. Француз тилига беписандлик ориятни поймол этиш деб қаралади. Улар фақат ифтихор қилибгина қолмайди, жаҳоннинг шундай маданият маркази. Овруро борди келдилари ва турли тиллари чоррахасида француз тилининг асил софлигини сақлаш, муҳофаза этиш борасида аниқ тадбир чоралар билан иш кўрадилар. Бўлмаса, таъсири дунёга ёйилган: Франция, унинг денгиз орти мулки ўлкалари, собиқ қарамлари, Канада, Бельгия, Швейцария, Ливан, Люксембург, Монако, Марокаш, Жазоир, Тунис; кўплаб, масалан Кот-Дивуар, Конго демократик республикаси, Нигерия, Сенегал, Гаити, Маврикий каби марказий ва

шарқий африка давлатлари, Лаос, Камбоджа, Вьетнам каби Осиё мамлакатлари; Мексика: АҚШнинг Луизиана штати ва Белгия, Швейцария, Канадада яшовчи француз аҳолиси (уларда француз тили расмий деб тан олинган). Ўттиздан ортиқ мамлакатнинг миллий тили! Ундан 130 миллион одам гаплашади 200 миллион одам эркин фикр юрита олади. Франкофония (аҳолиси француз тилида гаплашадиган давлатлар уюшмаси) 56 давлатни аъзо ва 14 давлатни кузатувчи мақомида ўз атрофига уюштирган. Бу ишларнинг ҳаммаси француз руҳиятининг, миллий маданиятининг ифодачиси – тилнинг яшовчанлиги таъминлаш учун!

Қарангки, шундай қудратли, таъсири кенг қўламли тил глобаллашув гирдобининг кўзида ва уни бошқа тиллар таъсиридан ихоталаш керак экан!

Керак экан – қилиняпти! Айни шу глобаллашувдан ҳимоялаш учун қонунлар қабул қилинган. Жумладан бири – 1975 йили француз тилини ёт таъсирлардан муҳофаза қилиш, ёқинчиси – 1995 йили француз тили англо-американ ва бошқа тиллар, бошқа маданиятлар таъсиридан ҳимоялаш тўғрисида (Жак Тубон қонуни). Айнан ҳимоялаш учун, бўлмаса, давлат тили ҳақидаги қонунлари азал-азалдан бор. Ва бу қонунларда француз тилининг расмий, норасмий муомалада қандай қўлланиши, унга ҳорижий истилоҳлар киритиш тартиблари, жамоат жойларидаги эълон, реклама, дўкон, ресторан, қаҳвахона, нақлиёт, умуман кўз тушадиган барча жой ва ўтадиган тадбирлардаги ёзувлар, ҳатто мамлакат ўтадиган халқаро учрашув, илмий конференцияларнинг ҳам француз тилида бўлишигача мажбуриятлар белгиланган. Айтишадикки, француз тилида муқобили ва ё ясашиши мумкин бўлгани ҳолда четдан истилоҳ киритилган расмий ёзишма ҳам инобатга ўтмайди. Ҳатто кўча нақлиёти, реклама матнлари, жамоат жойидаги ҳар қандай ёзув, ёрликларда француз тилида муқобили бўлган ё ясашиши мумкин чет сўз ишлатилса, жаримага тортиш, ўша мулкни, кимга тегишли эканидан қатъий назар, мусодара қилишгача борилади. Ёзишларича, ўтган йили махсус рейд ўтказилиб, 1236та тилда қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилган, 33 ҳолатга нисбатан суд ҳукми чиқарилган.

Бу ишга бош вазир ҳузуридаги

Олий комиссия бош-қош; Институт (Фанлар академияси шундай номланади) ҳузурида бешта ассоциация нафақат англо-американ экспанциясига учраётган француз тилининг тозаллиги, балки француз руҳияти ва миллий ўзига хослигини софлигини сақлаш учун ҳам масъул. “Барҳаётлар” (институтга аъзолик бир умр) давлатнинг француз тилини муҳофаза қилиш дастурларини ҳаётга тадбиқ этилишини доимий назоратда ушлайди Декрет, циркуляр, директива, инструкция... борингки, барча расмий ҳужжатларда Институт розилиги ва руҳсатисиз четдан биронта янги истилоҳ киритилиши мамну. Ва бунинг учун давлат қармоғидаги “журналь оффисель” каби ва бошқа ассоциацияларнинг нашрларида янги атамалар, тавсиялар мунтазам бериб борилади. Яъни қонун амали ҳам давлатнинг зиммасида, тегишли ишларни у бошқаради.

Э-э, ҳуллас, “Ўзгага қилма ҳавас, сенга ҳам ҳавас қилгувчилар бор”. Французларнинг қонунлари бизниқига солиштирганда қаттиқ, қатъий, лекин бизнинг қонун “зарурат туғилганда”си кўп-у, бари бир ўзимизники. Бор! Биз шу бориға қатъий амал қилайлик. У ёғига тилнинг ўзи руҳиятимизга. ориятимизга, ўзи йўл очиб олади, бебаҳо миллий бойлик сифатида қайта жилоланади, ўзлигимизни ёриштиради. Ҳозир уни тушовлаб турибмиз, гўё ўз-ўзича яшайверса бўладигандек. Миллий ғурур эса барчамизда бўлиши керак. Қундалик ҳаёт тапвишлари, моддий сиқинтиликлар кўнглимиз устуни, ўзлигимиз таянчи, миллий ориятимизни – тилимизни босиб кетмаслиги керак. Чунки бу она тилимиз минг-минг йиллардан қаддимизни тик тутиб келаётирки, энди замон шамолларида тиз букиб қолмайлик!

Ҳуллас, тилимизнинг бугунги аҳволи ҳақида гапирсак, гап жуда кўп-у, лекин бу ёғини ўзингиз ўйланг: хулосага келиш, хулосадан амалга ўтиш сиздан...

2013 й.
Манба: www.gglit.uz

“ERKIN YURT”
интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов